




Биз билмаган
Муқимий

БИЗ БИЛМАГАН МУҚИМИЙ

*(Янги аниқланган ва матни қайта тикланган
асарлар)*

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:
Қўлдош Пардаев

4438



Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133(092)

КБК 84(5Ў)6

П 33

Пардаев, Қўлдош.

Биз билмаган Муқимий [Матн] / нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Қ.Пардаев. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019 – 160 б.

ISBN 978-9943-6285-0-2

Тўпلامда Муқимий асарлари жорий нашрларида “ғоявий тахрир”га учраб, наинки мазмунан хиралашган, балки коммунистик мафкурага мослаштирилиб “ишлов берилган” шеърлар матни мўътабар қўлёзма манбалар асосида қайта тикланган. Республикамиз фондларида сақланаётган қўлёзмалар устида олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлар натижасида аниқланган ва шу пайтга қадар илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган турли жанрларга оид назмий асарлар биринчи марта илмий истифодага олиб кирилмоқда. Муқимий асарларининг жорий нашрларида учрамайдиган, бошқа олимлар томонидан матбуотда эълон қилинган шеърлар матни ҳам бир жилдга жамланиб, зарур илмий изоҳлар берилган.

Бу каби янги топилган ва тахрир қилинган шеърий асарлар матнининг тикланиши Муқимий адабий даврасини, бадиий-эстетик дунёсини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга.

Тўпلام олий ўқув юртлари филология факультетлари ўқув жараёнида фойдаланиш учун ва Муқимий шеърляти ихлосмандларига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133(092)

КБК 84(5Ў)6

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Нурбой Жабборов,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Боқижон Тўхлиев,

филология фанлари доктори, профессор;

Дилнавоз Юсупова,

филология фанлари доктори;

Акром Деҳқонов,

филология фанлари номзоди

Тўпلام Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2019 йил 30 ноябрдаги 5-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6285-0-2

© Қ.Пардаев.

© «Muharrir nashriyoti»,

Тошкент, 2019

МУҚИМИЙНИНГ ЁНМАГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

“Қўлёмалар ёнмайди”, деган эски, лекин ҳеч қачон эскирмайдиган нақл бор. Ушбу ҳикматнинг ҳақиқатга нечоғлиқ мувофиқ экани тарихда кўп бор исботини топган. Замонлар эврилади, салтанатлар ўрин алмашади, мафкуралар турланади. Улардан ҳар бири улуғ ижодкорлар, буюк мутафаккирлар адабий-илмий меросидан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқ истайди. Миллатимизнинг буюк ва муҳташам тарихи, муаззам адабиёти борлиги исбот талаб қилмайди. Бироқ тарих ва тақдир тақозоси билан халқимиз бошдан кечирган мустабид тузумларда ҳақиқатнинг кўзига тупроқ сочишга ҳаракатлар бўлгани ҳам сир эмас. Жумладан, шўролар даврида миллий адабиётимиз тарихи коммунистик мафкурага мослаштирилгани, улуғ шоиру адибларимиз асарлари “ғоявий таҳрир”дан ўтказилгани, моҳиятга зид талқин этилгани маълум. XIX аср охири – XX аср бошлари Кўкон адабий муҳитининг етакчи намояндаларидан бўлган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий адабий мероси ҳам ана шундай адолатсизлик қурбонига айланган.

“Ғоявий таҳрир”нинг энг хатарли жиҳати шундаки, бадиий матнни аслиятдан узоқлаштиради, унинг натижасида шоир ёки адиб асарлари таниб бўлмас ҳолатга келади, муаллифнинг ижодий нияти ҳавога соврилади. Бу масала рус матншунослигида кўпроқ ишланган. Рус матншуноси Д.С.Лихачев: “Матннинг “ғоявий таҳрир”дан ўтиши асарнинг стилистик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Таҳрир баъзан бутун матн таркибига, айрим ҳолларда унинг алоҳида қисмига алоқадор бўлади. Ёзма ёдгорликка бутунлай тескари маъно юкланиши, матнда у

ёки бухил “ғоявий тозалаш” ўтказилган бўлиши мумкин. Ҳатто асарга унда мутлақо бўлмаган ғоя қўшилиши ёки матнда мавжуд бўлган ғоя “қисқартирилиши” ҳоллари ҳам учрайди”¹, дея таъкидлайди. Бу фикрлар рус адабиёти материаллари тадқиқи муносабати билан айтилган бўлса-да, ўзбек адабиёти тарихига ҳам тўлиқ алоқадордир.

XIX аср охири – XX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг Фурқат, Завқий сингари намояндалари асарлари ғоявий таҳрир натижасида аслиятдан қанчалик йироқлашган бўлса, ушбу “адабий қатағон”дан Муқимий адабий мероси ҳам шунчалик кўп жабр чекди дейилса, асло муболаға бўлмас. Навқирон матншунос олим Қўлдош Пардаев “қўлёмалар чангини ютиш” борасидаги кўп йиллик тажрибаси, чеккан заҳматлари туфайли Муқимий асарларининг Республикамиз қўлёмма фондларида сақланаётган ҳар бир қўлёммасини синчиклаб ўрганди, шоир шеърларига доир қўлёмма манбаларни бандма-банд, сатрма-сатр, сўзма-сўз қиёслади, таҳлилдан ўтказди. Таянч манба саналган шоирнинг ўз қўли билан кўчирилган дастхат баёзларни тадқиқ қилди. Натижада шоир асарларининг шўролар давридаги нашрларидан тушириб қолдирилган ғазаллардан 69 байт (138 мисра), мухаммаслардан 12 банд (60 мисра), маснавийлардан 11 байт (22 мисра), мураббаъдан 1 мисра. «Саёҳатнома»дан 16 банд (64 мисра) – жами 285 мисра шеърни қайта тиклади. Муттасил изланишлари натижасида Муқимийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган 13 ғазал, 3 мухаммас – жами 194 мисра шеърини аниқлаб, биринчи марта илмий муомалага олиб кирди.

Ёш олимнинг ушбу изланишлари натижасида Муқимий ҳақидаги мавжуд маълумотларнинг,

¹ Лихачев Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург: Алетейя, 2001. – С. 90.

талқинларнинг аксари илмий ҳақиқатга мутлақо зид экани аён бўлди. Биргина мисол. Шоир асарларининг барча нашрларида машҳур “Саёҳатнома” асарининг мана бу банди қуйидагича берилган:

*Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.*

Аслида, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги Муқимий асарларини жамлаган 6352 рақамли қўлёзма баёзнинг 181⁶– саҳифасида мазкур матн:

*Анда бўлус ҳожи деди,
Ҳам муфти ҳам қози деди,
Юрти ҳама рози деди,
Бечора беозор экан –*

тарзида экан.

Туркийларда “Мен нима дейман, қўбизим не дейди”, деган машҳур нақл бор. Ана, шоир нима деган-у “муҳаррир”лар матнни қандай аҳволга солган. Биз истиҳолалари халқимиз. Кўпинча бундай ҳолатларда ўтмиш салафларимизни оқлашга, “шунга мажбур бўлган”ини исботлашга ҳаракат қиламиз. Лекин ҳеч ким уларнинг тепасида туриб “Муқимийнинг (ёки бошқа ижодкорнинг) шеърини қайта ёз”, деган талабни қўймагани аниқ-ку. Ҳеч бўлмаганда, жонига хатар етказиши мумкин бўлган сатрларни қисқартириш имконияти бор эди-ку. Бу ҳол ҳар қандай тафаккур эгасини илм ёки ижод кишисининг эътиқоди қандай бўлиши зарурлиги ҳақида чуқур ўйга толдириши табиий.

Агар адабий манбани яхлит бир иморатга қиёсланса, матншунослик унинг пойдеворидир. Адабиётшунослик ана шу пойдевор устига қурилмоғи зарур. Акс ҳолда у пойдеворсиз иншоот сингари омо-

нат бўлиб қолади. Энди бошдан дўппини олиб ўйлаб кўринг, Муқимий асарларининг юқоридаги каби сунъий “тахрир” қилинган матнлари асосида яратилган талқинларнинг илмга қанчалик алоқаси бор? Маълум бўладики, муайян адабий асар таҳлилини амалга оширишда бирламчи манбаларни чуқур ўрганмасдан ишонарли илмий хулосага келиш имконсиздир.

Кўлёмалар чиндан ҳам ёнмас экан. Ҳақиқатнинг қобирғалари эгилиб-букилгани билан синмаслиги рост экан. Орадан кўп эмас, кам эмас, ярим асрдан кўпроқ муддат ўтиб, илмий ҳақиқат, бадий матн ҳақиқати юзага чиқяпти. Ана шундай тарихий масъулиятнинг бир зарраси елкасига тушаётган Кўлдош Пардаев бахти кулган мутахассис, толеи баланд инсон десак, муболаға бўлмас. Табиийки, ёш олим эришган бу илмий натижалар Муқимий адабий мероси бўйича ўзигача заҳмат чекиб, илмий изланишлар олиб борган Ғулом Каримов ва Азиз Қаюмовдай илмда мактаб яратган улуғ устозлар, Аҳмаджон Мадаминов, Абдувоҳид Шокиров, Рустам Тожибоев, Абдуллатиф Турдиалиев, Отабек Жўрабоев сингари Муқимий ижоди билан шуғулланган манбашунослар меҳнатининг давоми сифатида юзага келган. Унинг ютуғи, ана шу илмий муаммо ечимига доир мавжуд тажрибаларни умумлаштирганида, илмий-назарий ва илмий-амалий жиҳатдан такомилга етказганидир.

Муқимийнинг биз билмаган томонларини ёритаётган, шоирни миллатга қайта танитаётган ушбу тўплам икки қисмдан иборат: 1) янги топилган шеърлар; 2) матни қайта тикланган шеърлар. Кўлдош Пардаев ушбу тўпламга фақат ўзи топган шеърларнигина эмас, унгача юқорида номлари саналган мутахассислар аниқлаган ва матнларини қайта тиклаган Муқимий назмий асарларини ҳам киритган. Натижада шоирнинг жорий имлодаги мавжуд нашрлари таркибига кирмаган асарлари бир жилдга жамланган.

Кўқон адабий муҳитини биринчилардан бўлиб илмий тадқиқ қилган академик Азиз Қаюмов хонадонларидаги суҳбатларимиздан бирида устоз олим каминанинг Фурқат адабий мероси бўйича олиб борган тадқиқотларимдан мамнун эканини айтиб, зиммамга фурқатшуносликни келажакда янада ривожлантириш вазифасини юклади. Кейин устоз куйинчаклик билан: “Фурқатшуносликдан-ку кўнглим тўқ. Лекин Муқимийдай улуғ шоир ижодининг ўрганилиши давом этмай қоляпти-да. Шогирдларингизга Муқимий асарларининг қўлёзмалари бўйича диссертация мавзуси берсангиз, яхши бўлар эди”, дея маслаҳат берган эди. Ўша заҳоти: “Устоз, кўнглингиз хотиржам бўлсин. Қўлдош Пардаев деган шогирдим айна шу мавзуда докторлик диссертацияси устида илмий изланиш бошлаган. Бир дуо қилинг, ана шу ишлар муносиб даражада юзага чиқсин”, деган эдим. Қўлдош Пардаевнинг “Муқимий шеърларининг матн тарихи, таҳрири ва талқини” мавзудаги докторлик диссертацияси ҳамда у нашрга тайёрлаган “Биз билмаган Муқимий (Янги аниқланган ва матни қайта тикланган асарлар)” тўплами устоз Азиз Қаюмов орзуларининг рўёбга чиққани исботи сифатида ҳам қимматлидир. Ҳаёт бўлганларида, бу ишдан биринчи навбатда у киши хурсанд бўлган бўларди.

Ушбу тўплам “Қўлёзмалар ёнмайди” деган ҳикматни яна бир марта тасдиқлашга хизмат қилади. Мустабид шўролар даврида илмий ҳақиқатлар юзига тушган ғуборлар тозалангани, Муқимий асарларининг аслиятга ҳар жиҳатдан мувофиқ матнлари тиклангани бунинг исботидир. Тўплам улуғ шоир адабий мероси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитади ва ижодкор асарлари бўйича келажакда яратилажак янги тадқиқотларга асос бўлади, деган умиддамиз.

Нурбой Жабборов,
филология фанлари доктори, профессор

* * *

Оразу холинг кўрарга зордурман соғиниб,
Кеча кундуз хастадил афгордурмен соғиниб.

Ёд айлаб ҳамсафар бўлгонларингни гаплашуб,
Офарин ҳар важҳидин, иқрордурмен соғиниб.

Соатеким ўртаға тушди жудолиғ то хануз,
Ҳеч оқшом ухламай бедордурмен соғиниб.

Ёр ўлуб қилмоқ надур душман забонини дароз,
Сангсори таънаи ағёрдурмен соғиниб.

Хулқ хуш қилдинг, қолдинг, қолди кўнглум сан билан,
Сен кўнгилсиз оҳким бекордурмен соғиниб.

Онт ичиб тарсо саволимға деди: “зулфингму сеҳр”.
Мазҳабингда соҳиби зуннордурмен соғиниб,

Номлари ҳарфини ҳар байт аввалида зикр этиб,
Шукрулиллоҳким, Муқимий, бордурмен соғиниб³.

* * *

Жаноби ҳазратим Фозилганихон,
Худо давлатларин қилгай фаровон.

Муборак тан чу гул нозик баданга,
Чиқармишлар эшитдим қишда чифқон.

Қуруб кетсун бериб озор чиқмай,
Газак вақти совуқ фасли зимистон.

Чиқиб устиға бўлмиш зулм дар зулм,
Бор эрди икки ёнда икки чифқон.

Вужудингиз ни учун Ҳақ Илоҳим,
Жаҳон боғида этгай сарв хандон.

Бу авлод ичра бўлғайлар сарафроз,
Баланд иқбол чун хуршиди тобон

Дуода гоҳ айланг раҳномалиғ,
Муқимий, баски, гумроҳу паришон⁴.

* * *

Тарҳи олий мақом

Ба дил дошт Боний таманно мудом,
Ки масжид кунад тарҳи олий мақом.

Ҳама хужра, айвонашу хонақоҳ,
Ба тартиби дигар намуд илтизом.

Ибодатгаҳи муъминон файз бахш,
Ҳавояш биҳишти, шарофат паём.

Сутунҳо чу соқий мавзун қади,
Хумории гар мисканад масти жом.

Басе (баи) ганжу зар сарф гардед то,
Чинин ёфт таъмири хайр ихтитом.

Ажаб нест шоядки, орад қабул,
Ба даргоҳи худ Холиқи лояном.

Чу бонеш устои саркори кор,
Дуо дорад умид аз хосуом.

Муқимий ба соли бино кард фикр,
Дарин бе шуури ба сад ихтимом.

Хирад чунки нав диду тарих гуфт:
Азиз Хўжа эшон бувад некном.

Таржимаси:

У қурувчи Боний кўнглида доим,
Олий даражали мачит бино қилишни орзу этарди.

Ҳамма хужралари, айвонлари ва хонақоҳлари,
Ўзга-ўзга тартибда ясалсин, бошқа-бошқа
йўсинларда жилва қилсин.

Мўминларнинг бу ибодатгоҳи уларга файз
бағишласин,
Ҳавоси биҳишт ҳавосидек, ўзи ўлуғликдан хабар
берсин.

Устунлари май қуюб берадиган келишкан узун
қадли соқийга ўхшайди.
Май истаган киши кирса, гуё Жами Жамшиддан
ичкандай маст бўлади.

Бу хайрли бинони охирига етгазиш, битириш учун,
Жуда кўп олтун ва пул сарф қилинди.

Ажаб эмаски, абадий хушёрлик у эгам,
Ўз даргоҳида қабул қилса.

Бу бинони қурувчи моҳир сир берувчи уста эди,
Катта ва кичикдан ҳаммадан дуо умид қилади.

Муқимий бу бино нақшларига маҳлиё бўлгани ҳолда,
Унинг тарихи тўғрисида фикр қилди.

Ақл унга яна бир назар ташладида, тарихи учун айтди:
Азиз Хўжа эшоннинг мартабаси улуг бўлсин⁵.

* * *

Тилмочга салом

Тилмочи ҳокими Ислом Бурҳонро салом,
Сониян Мирзо Умар мирзойи девонро салом.

Мирсалим холисанлилло ба саркори замон,
Яъни олий қадр мингбошийи давронро салом.

Ҳожи қозийи музофоти “Қороқчиро” дуо,
Ҳам Зухур ҳожию, қози Саййид Усмонро салом.

Шудки, муддатҳо на пурсиданд ин уфтодору,
Аз шумоён ҳам чи бошад як мусулмонро салом.

Ёздаҳ андарҳами ногаҳ расид
Ман ба ҳар воҳид фиристодам шумоёнро салом.

То фаромуши накардад боиси дилмондаги,
Абдумўмин, Абдужаббору Азимжонро салом.

Мебарам бо Хўжаи тикка рабуд арзи ниёз,
Дошти мурони муҳакҳар ҳам Сулаймонро салом.

“Лангар бобо” мазори файзбахшу дилкушост,
“Ҳожа рўшноии” ҳам “Шаҳиди майдон” ро салом.

Жуз дуо аз нотавони кор ман набуд, Муқим,
Кардаам бар ҳар кадоми ёру дўстонро салом.

Таржимаси:

Ҳокими ислоннинг тилмочи (таржимон) Бурҳонга салом,
Сўнгра девоннинг мирзаси Мирза Умарга салом.

Ҳолисанлилло, замонанинг саркори Мирсалимга,
Яъни олийқадр, ҳурматли мингбошига салом.

“Қароқчи” музофатининг қозиси ҳожига дуо,
Ҳам Зухур ҳожига ва Саййид Усмон қозига салом.

Бир неча вақтдурки, бу афтодаҳолнинг аҳволини
сўрамадинглар,
Ахир сизлар ҳам бир бечорага салом айтсаларингиз
нима бўлур эди.

.....ногаҳ етиб келди,
Ман ҳар бирларингизга алоҳида-алоҳида салом юбордим.

Унутишлик ва кўнгил қолишига сабаб бўлмасун деб,
Абдумўмин, Абдужаббор, Азимжонларга салом.

Хўжаи тикка рабодга арзи ихлос юборамиз,
Чумолилар дашти ҳамда Сулаймонга салом.

“Лангар бобо” мозори файзбахш ва дилкушодир.
“Ҳожа рўшнойли” ва “Шаҳиди майдон”га салом.

Дуодан бошқа ман нотавон Муқимийни нима ишим
ҳам бўлар эди,
Ёру дўстларнинг ҳаммасига бир-бир салом юбораман⁶.

* * *

Эй нозанин ишқинг билан девонамен,
Оқшомлари уйқум келмай тўлғонамен,

Парилардек очиб юзлар ниҳон бўлсанг,
Халқ ичида нетай бўлмай афсонамен.

Акаларинг, хушторларинг, ошноларинг,
Шум рақиблар жон куйдуруб бегонамен.

Шамъи рухинг холидин шавқинг бирлан,
Куюб ёниб чарх айланиб, парвонамен.

Раҳм айлаким, фироқингни чекиб-чекиб,
Маошим ғам меҳнат бирла ҳамхонамен.

Кўзларимча ағёр ила гаплашурсен,
Худ нечудмен рашким келиб қизғаномен.

Йўл топмадим эшикинга итингча ҳам,
Толеим паст ажаб шўрлик пешонамен.

Қасри айвон дастгоҳим сўрмоғилким,
Чўғз янглиғ гулситоним вайронамен.

Муқимиё тушти ёдинг беихтиёр,
Келганимда ногоҳ янги қўрғонамен⁸.



* * *

Неча гулчехра ошиқлиғда ҳайронинг бўлай,
Булбули шўридадек маҳви гулситонинг бўлай.

Зулм ила жавру ситам айлаб тағофил топки,
Кел, ниқобингни очиб, эй шўх, қурбонинг бўлай.

Эл гирифтoring агар қошу кўзу рухсоринга,
Мен асири анбарин зулфи паришонинг бўлай.

Муддао ҳар дилда, лекин менда шулким орзу,
Бисмили тиғи нигоҳи тийри мужгонинг бўлай.

Хуррами хандон нетар, жоноки, келсанг оқшами,
Лутфлар айлаб дебон: “то субҳ меҳмонинг бўлай”.

Айлағил оҳир ўзунг инсофким токайғача,
Рўзи шаб уммидвори аҳди ёлғонинг бўлай.

Ногоҳон ҳар байтидин бир ҳарфдин олиб Муқим,
Ўқи, номинг чиқмас эрса номусулмонинг бўлай⁹.

* * *

Жумлаи Хўқанд мавзун қадларини сарвари,
Дилраболар дилбари, гулчехралар сардафтари.

Маҳв ўлуб мардум хиромини кўруб бозор аро,
Дейдилар баъзи “малак”, баъзи “башар”, баъзи “пари”.

Ўлдурурға бегунаҳларни бўлак тиғ истамас,
Кўзи – жаллоду қош – шамширу кифрик – ханжари.

Лаълидин ком истасанг айлар тағофул, хусниға,
Чиқса ул вақти нечук қилгай соқолнинг лашкари.

Хатту холини асири сунбулу райҳон – ғулом,
Шеваи рафториға товус ила кабки дари.

Айланиб то бир харидор ўлмаса имкони йўқ,
Растасидин ўткан одам хоҳ ёшу хоҳ қари.

Ногаҳон олсанг Муқимий, аввали ҳар байтидин,
Ҳарфлар равшан бўлур, албатта, исмин гавҳари¹⁰.

* * *

Маҳвашо, ҳеч ким санго мандек гирифтор ўлмасун,
Кеча-кундуз соғиниб, муштоқи дийдор ўлмасун.

Ҳол сўрамайсан кўнгул учун мен бечорадин,
Нега мундоғ оху афғоним шарарбор ўлмасун.

Сарвосо қад била қилким чаманлардин мурур,
Лоф уруб товуслар мағрури рафтор ўлмасун,

Ноз-истиғнолар афсунин ўқиб чиқсанг дўкон.
Не учун шоҳу гадо толиб харидор ўлмасун.

Хўбрўлар ичра, ё Раб ҳеч қайси сен киби,
Золиму бераҳму бемехру ситамгар ўлмасун.

Икки зулфингдин насими қилса басдур хушдимоғ,
Сунбулу райҳонни найлай мушки тотор ўлмасун.

Нозанинча Муқимийдек, ғариби телмуруб,
Чорсуда ҳар жавонибға кўзи хор ўлмасун¹¹.

* * *

Маҳвашо, шул ҳафтаким азми бозор айладинг,
То шаҳар келганларингча кўзларим хор айладинг.

Хусн ила мундоғ чиқиб саҳрода жавлон айламай,
Ваҳшиларни бил муқаррар маҳви рафтор айладинг:

Хуш тақаллумлар билан тўтини товуслар билан,
Гунгу лол айлаб ажаб ҳайрони гуфтор айладинг.

Мусулмонларга қилиб, қошларини меҳроби намоз,
Зулфу кокилларни тарсоларга зуннор айладинг.

Жилвалар бирлан назарларда, нигоро, оқибат,
Гар мусулмонсан, инон, жоноки, хуштор айладинг.

Дилрабо, мундоғ сафарларга кетиб бир неча вақт,
Йўлларинг узра мени соғинтириб зор айладинг.

Ногаҳон жоно, Муқимий сори қилдинг нимнигоҳ,
Гўиё вайронаи хирийни меъмор айладинг¹².

* * *

Ниҳони гоҳ кўриб учрасанг салом бўлур,
Зиёда манда қачон журъати калом бўлур.

Зарифу зийраку нозик бадан маҳол эмди,
Агарда сен каби хуш лабзу хуш маром бўлур.

Агарчи мадрасаларда мубталоларинг кўпдур,
Ва лекин қайси ўзимдек санга ғулом бўлур.

Хаёлинг ўйлаб юриб, кундузи юриб то шом,
Кўзимга уйқу яна кечалар ҳаром бўлур.

Мадоро зарра чашмимда қолмади ҳаргиз,
Ҳар ерда кўрсам сани ишим тамом бўлур.

Ўқиб кетарсан агар таътил ўлса бетаъхир –
Ки, эмди қетма бу йил шаҳр бенизом бўлур.

Агарчи ваъдаларга вафодин йўқ асар бир бор,
Ва лекин санга, нигоро, Муқимий ёр бўлур¹³.

* * *

Эй пари, найлар манга ҳам ошнолиғ айласанг,
Шум рақиблардин, бошинг ҳаққи, жудолиғ айласанг.

Санга манким меҳрлар қўйдум муҳаббатлар билан,
Манга ҳам Қуръон кўтарсанг – бевафолиғ айласанг.

Муддате бемори ишқингман йўлунгда интизор,
Не бўлур ҳолим сўраб, бир авлиёлиғ айласанг.

Ой хижолатда, нечук чиқсун бу оқшом, дилбаро,
Санки ҳуснунгни бу мезонда сафолиғ айласанг?

Лофи дониш урма, хомушлиғда истарсан камол,
Норасолиғ, норасоларга расолиғ айласанг.

Хаста, дилафгор хушдорингга айлаб илтифот,
Эй Масиходам, на нуқсон, жонфизолиғ айласанг.

Ногаҳон уйқунгда ўпсам, уйғониб қолиб Муқим,
Жойига оҳиста қўйсам – норизолиғ айласанг¹⁴.

* * *

Зулфингизни, Лайли ораз, бенаҳор айлаб келинг,
Йўқингизда ою кунни беқарор айлаб келинг.

Кунда тунни кўрсатиб, олам элин ҳайрон қилиб,
Қоматингиздан қиёмат ошкор айлаб келинг.

Пойингизни азбарои хотири вайрон чекиб,
Бизни ҳам ишқ аҳли хайлида шумор айлаб келинг.

Кундузи келмоқингизга бўлса гар монеъ уят,
Кечаси юлдуздин ойни шармисор айлаб келинг.

Шеваи маъшуқлиғни билсангиз гар ишқ аро,
Чунки қўйдингиз мени уммидвор айлаб келинг.

Даргаҳингизда агар чанди рақиб ўлса Муқим,
Азм этиб бул ёнға ани интизор айлаб келинг¹⁵.

* * *

Дар воқеяйки яксара сусткор усталар,
Шул бўлса иш кузакча ҳам бор усталар.

Мумкин бу кун қимирласалар кайф ўлуб баланд,
Аз баски ичти барчаси кўкнор усталар.

Иш боши ҳам буларга қараб кам қолишмагай,
Хўб хиллашибди дангаса саркор усталар.

Меҳмон келиб-да кўчада ётса равомидур,
Чаққон қимирла озгина, зинҳор усталар.

Бир ҳафталик иш ўзию судрашиб қилур,
Кўрдимки одат шул эрур бисёр, усталар.

Ҳар қанча сусткор ўшал пухтакоррок,
Бас қил, Муқимий, шаънига ашъор, усталар¹⁶.

* * *

Не тароват ойда, хусни баркамол олдида,
Мунфаил ширин сухан тўти мақолинг олдида.

Рост сўз шулким, десам биллоҳки, менга боғ аро,
Хору хас райҳону сунбул хатту холинг олдида.

Воизи ғофил ҳикоят бошлагай фирдавсдин,
Бордур анда не шараф, жоно, жамолинг олдида.

Доимо зоҳид қилур айшимни талх, айлаб сифат,
Ногуворо оби кавсарни зилолинг олдида.

Ёр ила кетдинг, қолиб мен, зор йиғлаб кўнглима
Билмадим не кечганин ошифта ҳолинг олдида.

Не ажаб, кўргач бу ўтлуғ оразинг, ҳайрон бўлиб,
Гулга булбул боқмаса, рухсори олинг олдида.

Хўблиғ мулкида хўбонлар кўруб хулқи ҳушинг,
Барчаси шармандадур неку хисолинг олдида.

Айласун не чун қазо таъзир учун урён букун,
Чекмаса бош сарви қадди навнихолинг олдида.

Нам эрур то лаб, Муқимий шукр этар ғам кунжида,
Дур васлингдин агарчанди хаёлинг олдида¹⁷. *****

Фурқатида бўлди субҳим шом ҳам, келмас ҳануз,
Лаҳзаи йўқ кечалар ором ҳам, келмас ҳануз.

Ёдидин бориб магар чиқди қилон паймонлари,
Ўтди гарчанди келар айём ҳам, келмас ҳануз.

Интизорида очиб ҳар мўйи бандин дийдалар,
Бўлди жисмим сурати чун бом ҳам, келмас ҳануз.

Заъф дарди ҳажридин афтодалар ҳолим сўриб,
Келмас ўзи, лоақал пайғом ҳам келмас ҳануз.

Хуррам айлаб комрон ағёрларни(нг) васлидин,
Айлабон мундоқ букун ноком ҳам келмас ҳануз.

Оҳ, не сайёдким, сайидин олмас ҳеч хабар,
Жон қуши бўлди асири дом ҳам, келмас ҳануз.

Неча муддат эмди шояд келса, қил тамкин, Муқим,
Айладинг ҳар нечаким ибром ҳам келмас ҳануз¹⁸.

* * *

Авалида кўрмасам-чи йўқ экан кўриш дубора,
Ўти оҳим учқунидур, дема кўкдаги сетора.

Сифатим малоҳатингиз ёзаримда куйса қағоз,
Не ажаб фироқ ўтидин нафасим узуб шарора.

Ғалати боқишлар ила гапурушларинг, нигора,
Бири берса жон, бириси жигаримни қилди пора.

Рами ваҳшийдек шитобон кетибон дариг қилдинг,
Ғами ҳасратингда ашким мижалар шаш қатора.

Чиқиб кулбамға карамдин қадаминг шарофатидин,
Ки ҳавоси қолмиш ўхшаб бамисоли навбаҳора.

Икки дийда юзунга тикилиб киши тўя олмас,
Бун мўларим бўлиб кўз, магар айласам назора.

Назаримдин улки кеттинг, хабаринг қачон келур деб,
Қилурам, Муқимий, жоно, кеча-кундуз истихора²⁰.

* * *

Оразингни боғ аро чун кўрди, хайрон бўлди гул,
Доғ ўлуб хижлат чекиб, чоки гирибон бўлди гул.

Очибон рухсор токим айладинг сайри чаман,
Рашқдин очилганига минг пушаймон бўлди гул.

Рўзи аввал чекдиким паргор бирлан боғбон,
Бўйла таъзиминга саф тортиб, хиёбон бўлди гул.

Фикр этиб дил ғунчаси очилмас оҳу ашк ила,
Бўл ажаб шабнам насиминг етти, хандон бўлди гул.

Хиралиғ бирлан чиқибон сода ҳар фасли гул,
Бу учун беорлик ҳаққига бўҳтон бўлди гул.

Ўзиға мағрур ўлуб лутфи назокатда кўруб,
Гардани ҳам ё магар эмди мусулмон бўлди гул.

Нолалар айлар, етишмай булбул охир ажриға,
Билмай ўз қадрин, Муқимий, мунча арзон бўлди гул²¹.

* * *

Бу кун кулбамға бир маҳваш келиб ҳайрон қилиб кетди,
Олибон ақлу хушумни сари сомон қилиб кетди.

Юзи шамъидин ўлди гарчи кулбам, равшан тобон,
Фиғонким, кўнглум маъмурасин вайрон қилиб кетди.

Жамолин кўрсатиб ул дамда гунгу лол айлаб мени,
Назардин чун пари пинҳон ўлуб нолон қилиб кетди.

Дами чун субҳи хандон орази қуёшидин,
Мани маҳзунни охир шамъдек гирён қилиб кетди.

Масиҳи ишқдин айру тушуб ғолиб эди заъфим,
Муҳаббат тоза айлаб, дардима дармон қилиб кетди.

Висоли гарчи мумкин йўк, сенга фитрат бу недурким,
Дуогўйи Муқимий кулбаи аҳзон қилиб кетди²².

* * *

Ўртанур ишқида мағзи устухоним, ким десун?
Қолмади ғам торта-торта танда жоним, ким десун?

Бошуур, аҳбоб васлиға ўзи мағрури ҳусн,
Бўйла, бас, маъюс ранги заъфароним, ким десун?

Эл аро бордур масалким: “Беҳабар оч тўқдин”,
Воқеан, кўнглумдаги сўзи ниҳоним, ким десун?

Муддао ҳар кунги фарёд айларам ул меҳрсиз,
Эшитиб, шоядки бир дерман: фиғоним, ким десун?

Ўзгаларга лутф, билмайман, мени журмим наким,
Қасди жон айлар букун абрўкамоним, ким десун?

Пора-пора дилларим, аҳволи зоримни анга,
Бўлмаса оламда мушфиқ, меҳрибоним, ким десун?

Авжи истиғно мақомидур, Муқимий, ёрни(нг),
Йўқ қанот учсам бузулган ошеним, ким десун?²³

* * *

Келсангиз гар шаҳр кўп ҳам интизор этмай келинг,
Келмайин, шўри қиёмат ошкор этмай келинг.

Йўлларингизда бу янглиғ йиғлатиб, термултуруб,
Мунтазир ашкимни баҳри беканор этмай келинг.

Мен борурға нотавон, онсиз билурсиз ўзингиз,
Устиға кўз еткуруб, кўрмакка зор этмай келинг.

Андижонларга кетиб, етмасму ўлтургонингиз,
Боз қийнаб ўлтурурни ихтиёр этмай келинг.

Қиш ҳавоси бир сири – чиқмайди Фурқат хулласи,
Ким деди охири, эмди навбахор этмай келинг.

Қатра тамкиндин гуҳар бўлди, агарчи, дилрабо,
Лек бу тўғрида тамкину виқор этмай келинг.

Бир гулингиз ўн гулингиздин очилмасдин Муқим,
Мунча ҳам чун булбул оҳим пуршарор этмай келинг²⁴.

* * *

Чиқарсиз кўчага бу вақтлар камсиз қалайларсиз?
Кўрунурсиз бу кунсиз бўйнингиз ҳамсиз, қалайларсиз?

Рақиб рўсиёҳлардин кўруб юз нораво ишлар,
Хижолманд шарм ангизу мулзамсиз, қалайларсиз?

Учуб ер тишлабсиз, обрў шул сизга, не давлат!
Пиёнсиз, қилдингиз ким бирла майрамсиз, қалайларсиз?

Десун мардум мени озода деб, шундоқ совуқларда,
Кўкариб, тўн кийиб бепахта, шалғамсиз, қалайларсиз?

Кўруб ағёрлардин қайси кун ўлгунча кулфатлар,
Ажабким боз, бепарвою, беғамсиз, қалайларсиз?

Муҳаббатдин узотсанг қўл, банагоҳ аччиғи келган,
Бўлакка тахт қайдоғ иш қилурдамсиз қалайларсиз?

Вафоким зарра сиздин кўрмаса инсоф, айтинг охир,
Муқимий ҳам ўтар тоқайғача замсиз, қалайларсиз?²⁵

* * *

Ошиқинг кўпдур, нигора, мен каби шайдо эмас,
Сарв мавзундур, ўзингдек қомати раъно эмас.

Бенаво дилхастасидин ҳеч бир маҳбуб ўтиб,
Айласам инсоф, лекин сенча бепарво эмас.

Доимо ошиқққа жавр айларга кўрдум шўхлар,
Сен каби ҳеч қайсиси ҳам сангдил – хоро эмас.

Лаблари тинмай қилур булбул фиғону нолалар,
Гул юзинг шавқида, мақсуди гули ҳумро эмас.

Ҳар неча кўнгул берибким, ошнолиғ айладим,
Оҳким, кўз ошноси дил билан ошно эмас.

Ўттилар Фарғонадин кўп нозанин ўз асрида,
Ҳеч бири сендек тағофул ёр истиғно эмас.

Найлайин зулфинг ҳавосидин Муқимий бошида,
Йўқки бир муйеки ул вобастаи савдо эмас²⁶.

* * *

Сурмасиз ҳам, қўйма, жоно, ўзи шаҳло кўзларинг,
Шўхлиғда ҳар бири оҳуйин саҳро кўзларинг.

Мардуминг жаллоди мардум бўлмас эрса, не учун,
Ўлдурурға қошларинг шамширу бурро кўзларинг.

Фитнаи даврон эмас бўлса, нигоро мунча ҳам,
Бир умр хушторларга солғай иғво кўзларинг.

Дилбаро, боққан саринг бўлғай мени кайфим баланд,
Ё магар мужгон қадаҳ даврида саҳбо кўзларинг.

Олмиш атрофин қаро кийган кўпеслар-кифригинг,
Билмадим устида қилғайларму савдо кўзларинг.

Саф чекиб мардумларинг мужгон сипоҳин ё ўшал,
Рашки мулки ҳусн этиб бир-бирга аъдо кўзларинг.

Қумрига сарви қадинг, булбул муроди гул юзинг,
Эртаю кеч мен Муқимийга таманно кўзларинг²⁷.

* * *

Шаҳр аро юзланки, жоно, шаҳр саҳроланмасун,
Кўрқаман, деб ким мабода ҳажр барполанмасун.

Борма энди Сўх шаҳр, ошуби ҳуснингни кўруб,
Тожикистон, фитналар кўзғолса, иғволанмасун.

Тоғлара жавлонки қилсанг, не учун кабки дари?
Рашқдин айлаб фиғону нола, шайдоланмасун.

Оч юзингни, ой боқиб, тортиб хижолат кечалар,
Ер юзинг ойдин қилиб, осмонда даъволанмасун?

Май ичиб мастона сайр эт, боғда чехранг тобидин,
Лоф уриб гуллар гулситонларда ҳумроланмасун.

Ишқ бозорида нақдимдир муҳаббат, эй пари,
Кўп ҳам ул бойваччалар базмингда дунёланмасун.

Шарти ишқ эрмас, Муқимий, шикваи, маҳбублар –
Хоҳ парво айласун, хоҳеки парволанмасун⁵⁰.

* * *

Нигора кел, ки кўрмай, турфа дийлорингни
 Холон идиқру, лотгои нобот, ақдавенд ки соғиндим,

Хусусан ким, паридек феълу атворингни соғиндим.

Кўрунмай неча кун бўлди, ки кеттинг, ҳеч сўрамай,

Карам қилан, девона тақлид, кирдикорингни
 соғиндим.

Очиб юз, шўхлиғлар бирла келсанг, айрилиб жоно,

Мисоли булбули шўрида, гульзорингни соғиндим.

Ўзингни соғинурдим, дилбаро, бўлди неча кунлар,

Қачон ташлаб кетибсан мунда, дасторингни
 соғиндим...

Муқимий бирла қилсанг...

Маошинг захр ўлиб, лаъли шаккорингни соғиндим⁵¹.

* * *

Сўраб ҳар қайсимиздан соате...
Карамлик бизлара, гўёки султон, учради ногоҳ,
Фиғону нолаларига кетмай, оқибат юз шуқр,
Рамақсиз жисмларга қайтадан жон учради ногоҳ,
Хуш обу хўб, тиниқ тош истордук толеъимизга,
Зумуррад хатти, лаби лаъли Бадахшон, учради ногоҳ,
Ўтуб ҳажрида тун-кун, шом ўлурди рўзғорим,
Кўруб субҳ висолин, моҳи тобон, учради ногоҳ,
Нега айдим, Муқимий, берма кўнгил дилраболарга,
Яна парвоналар урдунг чароғон, учради ногоҳ³².

МУХАММАСЛАР

* * *

Амирий ғазалига мухаммас

Жон кушиға паноҳдур кокил,
Васлиға ҳазор роҳдур кокил,
Манга шул иштибоҳдур кокил,
Нега мунча сиёҳдур кокил,
Магарам дуди оҳдур кокил.

Руҳ пуркаб урганида сўзи,
Кўзлари гуё кийикни кўзи,
Ногоҳонким ниқобин очди ўзи,
Халқаи зулфидин кўринди юзи,
Ҳолаи бадри моҳдур кокил.

Хукмакшлар битарга холу хатти,
Ташнадур қон тўқарга холу хатти,
Тиғ паррон ўтарға холу хатти,
Хийлаи қатл этарға холу хатти,
Икки зolim гувоҳдур кокил.

Сайдима махфи дом қурмак учун,
Донаи холиға учурмак учун,
Оразиға сафо ошурмак учун,
Хусн иқболини ёшурмак учун,
Тожи зери кулоҳдур кокил.

Хўбрўларни беназиридур,
Юсуфи Мисрийни вазиридур,
Дилраболар Муқимий асиридур,
Кишвари хуснни Амиридур,
Салтанат дастгоҳдур кокил³³.

* * *

Амирий ғазалига мухаммас

Гарчи тахти салтанатни ошиён этдим, Амир,
 Ранги рўйимни мисоли заъфарон этдим, Амир,
 Қоматимни ғам юки бирлан камон этдим, Амир,
 Ҳар нечаким фатҳи иқлими жаҳон этдим, Амир,
 Андин ўтдим, ёр куйида макон этдим, Амир.

Кўз тутарман, маҳвашим юздин ниқоб очғайму, деб,
 Ё лабидин биргина дури гуҳар сочғайму деб,
 Истарам, тийри нигоҳин кўнглума отғайму деб,
 Ул санам васли сўроғидин нишон топғайму деб,
 Ҳар тараф пайки хаёлимни равон этдим, Амир.

Гулдек очилмиш дилим топиб хаёлинг муждасин,
 Кўрмиш ойина магар ҳайрон, жамолинг муждасин,
 Меҳри рахшон топди ўхшайдур камолинг муждасин,
 Жон била кунглумға еткурдим висолинг муждасин,
 Бу гадоларни карамдин комрон этдим, Амир.

Қилмас эрдим ғафлат ила зулмату равшанни фарқ,
 Этмаган эрдим кўз очиб тиғ ила жавшанни фарқ,
 Берди рў ҳайрат, қилолмай зуҳд ила гулханни фарқ,
 Этмадим ишқингда, жоно, дўст ила душманни фарқ,
 Панд берди дўстлар, душман гумон этдим, Амир.

Ташлаб эрдим моуманлиқ риштасин дилдин узуб,
 Маъдалат баҳриға етмай, доимо юрдим юзуб,
 Ҳар қаю маҳфилда ёнса зулм шамъи, ўчуруб,
 Маъсият мулкин бузуб, тарҳи бинойи шаръ эдуб,
 Арсаи офоқни дорул-амон этдим, Амир.

Умр ўткардим харобот аҳли бирлан бир неча,
 Бордилар олиб мени майхонасига бир кеча,

Кўлларида жом, риндийларни кўрдим май ича,
Муддао соқий юзи эрдию, ҳусни муғбача,
Дайр ароким хизмати пири муғон этдим, Амир.

Дўст бўлдим, айладим ҳар кимга жонимни фидо,
Лола янглиғ доғи ғамға қилди охир мубтало,
Меҳрибонлиғ элға қилдим, бўлди бошимға бало,
Ҳар кишиғаким, вафо қилдим, манга қилди жафо,
Олам аҳлини саросар имтиҳон этдим, Амир.

Зеб ила дунё аруси манга жавлон айлади,
Кўб таманною ҳаваслар дилни ғашён айлади,
Сийм ила зар меҳри кўнглумни паришон айлади,
Лашкари нафсу ҳавоу ҳирс туғён айлади,
Журъатим шулким, алар бирлан қирон этдим, Амир.

Даҳрни ўтдим қулоқ солмай баланду пастиға,
Кўрсам элдин ман ямонлиғ, қилмадим ман қасдиға,
Кўшиш этдим чархдин етса ҳаводис рафъиға,
Хасми кофиркеш дунё мажораси дафъиға,
Сатру мисроъи тағофулдин синон этдим, Амир.

Етса ҳар вайрона узра мақдамим, обод эди,
Найлайн қилмай надомат, чарх бибунёд эди,
Домо фикрим рақибларға ҳам адлу дод эди,
Навбаҳори фитратим доим эрам ижод эди,
Ҳар чаманким, тарх содим, гулситон этдим, Амир.

Туттум аъдо хайлиға соҳибқиронлиғ шевасин,
Зарб қилдим элни айлаб ҳукмронлиғ шевасин,
Кўрсатиб фақр аҳлиға ширинзабонлиғ шевасин,
Баски, кўргуздим улусға меҳрибонлиғ шевасин,
Олам аҳлини ўзумга меҳрибон этдим Амир.

Кўкдин ўткардим фиғоним ҳар кеча булбул каби,
Ишқ ўтига куйдуруб кўнглумни ман сунбул каби,
Ким урардим ўзни бетоқат бўлуб бисмил каби,
Гарчи кулдим зоҳир элни шод этарға гул каби,
Лек пинҳон ғунчадек кўнглумни қон этдим, Амир.

Ёр васлидин агар топмоқ хаёл этсанг нишон,
Эй Муқим, бўлғил эл олдида залилу нотавон,
Кимки мандин сўрса гар мақсад йўлин, айлай баён,
Ламъаи шамширу ҳимматдур сафобахши жаҳон,
Ложарам элга бу жавҳарни аён этдим, Амир³⁴.

* * *

Амирий ғазалига мухаммас

Ногах, эй масти тағофил нетар аз рўйи карам,
Сўрғали хасталаринг ҳолини кўрганда қадам,
Сабр ором фироқингда чунон айлади рам,
Ким кўз очмаю ёш тўкмай то қонли мижам,
Варақ айланмади чун бўлмади бармоқ учи нам.

Қайда ҳузури дил ила тақвию тоқат бўлсун,
Бо ҳузури дил ила тақвийу тоқат бўлсун,
Кўрмайин манда қачон сабру қаноат бўлсун,
Соғиниб сунбулу зулфингни на роҳат бўлсун,
Доғ-доғ узра насиб ўлди алам узра алам.

Кўрмадим сан каби бедодгару дил санги,
Маҳали остию лаҳзаи ўтмай жанги,
Ишлатиб охири юз ноз билан найранги,
Гуйё маҳв бўлур қўлда хинонинг ранги,
Эй пари, ноз этагин чекдинг аламдин кам-кам.

Ману бир гўшаи хирмон ишим нолаи зор,
Дудидин оҳими анжум дема кўкларда шарор,
Устухонлардан ўтуб тиғи ғаминг қилди кор,
Ўйлаким, қон лабинг андишасидин чекди хумор,
Суд қилмас неча ким, бода ичарман ҳар дам.

Кош ўртанса эди шавқи висолингга кўнгил,
Юз қўюр эрдими андек хату ҳолингга кўнгил,
Маҳрам ўлмайди дариғоки, мақолингга кўнгил,
Йўлки, топмайди букун фикру ҳаёлингга кўнгул,
Ёки дидорингга наззора бўлурму маҳрам.

Кўзинг оху кўзидек устига тортиб сурма,
Ғайр ила майлар ичиб маст кел, эмди турма,

Рашкдин бошима ҳангомаи маҳшар қурма,
 Ҳажр тиғи ила маҳжурларинг ўлдурма,
 Мунча ҳам жавру жафо айламак, эй қоши қалам.

То ўшал халқаи зулфингни асиридурман,
 Турфа савдолар ила муддати дайридурман,
 Ишқ йўлида Муқийм гарчи фақиридурман,
 Шукр, иқлими муҳаббатни Амиридурман,
 Хайли ғам лашкариму доғ – хашам, оҳим – алам³⁵.

* * *

Муқимий ўзининг “ё Раб” радифли ғазалига мухаммаси

Куяб ишқинг ўтиға доимо бўлдим фано ё Раб,
Дутунимдин қаро тўн киймиш ул сабъи само, ё Раб,
На қилдим санга ким этдинг мани андин жудо, ё Раб,
Ютарман захр ҳажринг ишқида нозик адо, ё Раб,
Бу янглиғ талх комим, борму дардимға даво, ё Раб.

Хам ўлди қоматим бори ғамингда ғурбатингдинким,
Хазон яфроғи янглиғ сарғойибман фирқатингдинким,
Тараҳхум этмадинг бераҳм бир йўли шафқатингдинким,
Кими олдида йиғлай ул жафо-жў ҳасратингдинким,
Бориб бўлди бу кун бегоналарға ошно, ё Раб.

Чамандин гул узарға интизорам фасл эмас мумкин,
Кириб баҳри ичра олмоқ гавҳари ноёб эмас мумкин,
Солиб бўйнимға зулфин қилғали қуллоб эмас мумкин,
Ётибман мунтазир йўлида, гарчи васл эмас мумкин,
Кечар не навъ ҳолинг, деса бир йўл ман ризо, ё Раб.

Жаҳонга то келибман кўзни номаҳрам сари очдим,
Тузук ишларни ташлаб, доимо исьён сари қочтим,
Туну кун айшу ишрат бирла ғафлат бодасин ичтим,
Ҳаётим мазраиға маъсиятлар донасин сочтим,
Агарчи тонгла лутф эт, ҳосилим журму хато, ё Раб.

Менингдек бенавоға ой жамолинг кўрмоғи мушкул,
Изинг туфроғин айлаб тўтиё чун топмоғи мушкул,
Юракда ёнган ўтни сув билан сўндурмоғи мушкул,
Ҳарими қурбига мендек гадони етмаки мушкул,
Аниким даргоҳида бўлса султонлар гадо, ё Раб.

Қадинг зебосидин ул сарву раънолар эрур хуррам,
Кўзинг махмуридин ул жоми саҳболар эрур хуррам,
Даҳонинг ғунчасидин дурри яктолар эрур хуррам,
Баҳори орозингдин кўху саҳролар эрур хуррам,
Қилур шавқи жамолинг бирла булбуллар наво ё Раб.

Ғаму андуху мотам бирлаким вобастадур Мажнун,
Жамолинг иштиёқида бaсе дил хастадур Мажнун,
Хаёлингдин бадармон рўзу шаб ошuftадур Мажнун,
Агар бир умр ҳижрон даштида саргаштадур Мажнун,
Анга Лайли баҳона, мақсадим сан муддао, ё Раб.

Фужурим хаддин афзун чун мисли афгори борондур,
Ниҳоят йўқ ангоким жумлаи барги дарахтондур,
Қулингман раҳм қилсанг, раҳматинг беҳадди поёндур,
Ҳидоят қилмасанг тавфиқу фазлинг, ғарқи исёндур,
Ибодатларда нуқсон кўп, намозимда риё, ё Раб.

Ётиб вайроналарда хаста қул, ношоду нокоми,
Берибдур субҳи бахтимға қорайтиб зулмати шoми,
Тутуб тахмиси назми чун заиф Жомийға, деб Жомий,
Ики оламда бўлғил дастигиру малжау ҳомий,
Муқимийға ўзингдан ўзга йўқдур муттако, ё Раб³⁶.

* * *

Хаёли бирла, жоно, бўлди рўзим нимшаб кокул,
Бўлибдур тийра бахти вожгунимға сабаб кокул,
Гамидин ҳол сўрким, еттим охир жон ба-лаб кокул,
Асир айлаб жаҳонни олди ўзиға ўраб кокул,
Эмастур қайдидин озод бир жонлиғ, ажаб кокул.

Бўлуб бемор ҳажриндин қолурга етди тил сўздин,
Ўтарман ёдинг айлаб гаҳ ўзумда, гаҳ кетиб ўздин,
Тамом ўлмас десам андуху дардингни бири юздин,
Нетар қилмай ҳазар зуҳд аҳли сан жоду ниғаҳ кўздин,
Балойи дину иймонсан, агар чиқсанг тараб кокул.

Чаманларда очилғон гулму ё рухсори олингму?
Хужуми тўтиму шаккар лабингда ё мақолингму?
Дурахшон меҳри анвар чарх уза ёким мисолингму?
Юзинг тобида ўртанган баногўшинда холингму?
Қилур ё истироҳат соясида бир араб кокул.

Малоҳат осмонин, эй малаксиймо, жабин бадри,
Жаҳон гулрухларин ҳар боб бирлан сарвару садри,
На билгай лутфи эҳсонингни ҳар нодон, ло адри?
Ушалсун лоф урар бозор аро то мушки Чин қадри,
Паришон айлағил бир лаҳза, эй Лайлинасаб, кокул.

Киши воқиф эмас, айлаб тахайюл кунҳи аслиндин,
Башарму ё пари, оғаҳ эмастур кимса наслиндин,
Малакка бенгзатурман хусну сийрат, хулку шаклиндин,
Хирад торож ўлур, хушум, на суд, эй шўҳ, васлиндин,
Келурсан ташлаюб бошимға аз рўйи ғазаб кокул.

Муҳаббат йўлина девона кўнглум ақлидин сўрди,
Деди маъшуқин ошиқлар ризосида қадам урди,
Чекар минг ранжу меҳнат, кимки ҳаддидин ошуб юрди,
Ямон кирдор чоч машшотадин, кўрким, жазо кўрди,

Тушуб нозик белига шўхлиғидин беадаб кокул.
 Кўруб умрумда лекин кўрмадим сендек тағофулхў,
 Париталъат, суманбар, кифриги – ханжар, кўзи – оху,
 Дахан – чун ғунча, лаб – гулбарги тар ҳам анбарин гису,
 Муқим ҳар ториға вобаста жоним, эй, камонабрў,
 Тароғла чекмайин озор, оҳиста қараб кокул⁵⁷.

* * *

Навоий ғазалига мухаммас

Эй, хироминг ошиқи шайдолари кабки дара,
 Хўблар оламда кўбтур, ҳаммасидан сен сара,
 Сийналар мажруҳ сенсиз сахт кўнгуллар яра,
 Эй, жамолинг лолазору кўзларинг оҳу бара,
 Нофадек қон боғладим, ҳажрингда бағрим қаб-қара.

Халқаи зулфингга бир жон йўқки бўлмай мубтало,
 Сочларинг оввораси ҳам нофаи Чину Хито,
 Анбарин гисуларинг кўргоч дедим, айлаб дуо:
 “Ё Раб, ул кокулмудур, оҳим тутунидин қаро,
 Ё, ўтоғлар ичинда сайлаб олган қарқара”.

Ўлмакка ишқингда еттим дафъи савдо қилғали,
 Кўнглуми зангор ғамлардин мусаффо қилғали,
 Сабза-у райҳонларидин дийда бийно қилғали,
 Оразинг гулзориға бордум, тамошо қилғали,
 Чин эмиш , лола очилганда туғар оҳу бара.

На келур эрди, ки илкимдин, ман қаллошдин,
 Айласам оли қадумингга бинолар тошдин,
 Лой этиб, мардуму ғубор чашм бирла ёшдин,
 Ёр учун айвон солибон кўз уйига қошдин,
 Кифригимдин туттурубман даврасиға панжара.

Ох, ўз даврида ўтмишлар не хуш шоҳу вазир,
 Айлагай пурнур ХАҚ қабрини чун бадри мунир,
 Ошиён бу ер, Муқимий, хоҳ жавондур, хоҳи пир,
 Эй Навоий, қуллиғида йўқ ўзингдек бир фақир,
 Хусрави шукри шикан Султон Хусайн Бойқара⁵⁸.

* * *

Навоий ғазалига мухаммас

Даҳр бўстони аро сарви равони топмадим,
 Айтура рози ниҳоним роздони топмадим,
 Кўксуми қилдим нишон абри камони топмадим,
 Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
 Жон бaсе қилдим фидо ороми жони топмадим.

Ғунча кўнглимда қат-қат дирлар доғи ниҳон,
 Кўрқадурмен элга зоҳир айласам ўртар замон,
 Ёр ҳажрида эрурман, дўстлар бехонумон,
 Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдим нишон,
 Бир камон абруда тузликдин нишони топмадим.

Бўлса бир лаъли бадахшон тишлари дурру адан,
 Қомати сарву санубар, сочлари мушки хўтан,
 Бошаёғ нозу қарашма, гулжабин ғунча даҳан,
 Кўнглим ичра сарв қаддур ғунча чеккандин тикан,
 Даҳр боғи ичра бундоғ гулистони топмадим.

Онгладим бир ҳарф қолмай даври гардун қиссасин,
 Як ба як такрор қилдим олами дун қиссасин,
 Кўп эшитдим Лайлию Узро у Ширин қиссасин,
 Кўп ўқудим Вомиқу Фарҳод, Мажнун қиссасин,
 Ўз ишимдан бўлажаброқ достони топмадим.

Жуз жафони сандин, эй тўти мақолим кўрмадим,
 Ваъда қилдинг бир вафо, эй навниҳолим кўрмадим,
 Ғайри бедоду ситам неку фиолим кўрмадим,
 Ҳусни мулки ичра сандек шоҳи золим кўрмадим,
 Ишқ куйида ўзимдек нотовони топмадим.

Умрлардур ёр васлининг гадойигача мен,
 Кўрмадим ғайр оз жафо меҳри вафойи гарчи мен,
 Бўлмадим ҳаргиз Муқим ғамдин роҳойи гарчи мен,
 Ул омон ичида бўлсун, эй Навоий, гарчи мен,
 Бир омон бoр, меҳнатдин амон бoр топмадим³⁹.

* * *

Фурқат ғазалига мухаммас

Мен киму бир ҳарф мазмунини шарҳ айлар хатинг,
Қийли васфингда таҳайюри хирад истар хатинг,
Юз фараҳлиғ кўйди юз кўнглимға чиққоч ҳар хатинг,
Фарқи булдур Хизрдин, эй шўх, то ахзар хатинг,
Хизрни маст этди, лаълингдин тутиб соғар хатинг.

Улким кўрдим бир назар сендек пари рухсорани,
Айлагай сўроғ чексам оҳ санги хорани,
Ҳамдулиллаҳ, охирида хаста дил бечорани,
Водии ҳажрингда яъни мен каби оворани,
Васлингга йўл кўрсатур, андоғки, пайғамбар хатинг.

Келдинг ул субҳики ағёр ила сайри боғ этиб,
Рашқдин девонани юрма гумоне соғ этиб,
Куйдуриш токай рақиб таъбини мундоғ чоғ этиб,
Лола кўксин иштиёқида узоринг доғ этиб,
Нофа бағринг ёдида қон айлади анбар хатинг.

Токи топдинг хўбрўйлар ичра сарварлиғ ривож,
Етди ҳар санги маломат, айладим бошимға тож,
Найлагай Чин шаҳридин ҳам келса бу кўзларға бож,
Айлади Мисри забуну Румдин лашкар олди хирож,
Оразинг майдонида жам айлабон лашкар хатинг.

Гавҳари ҳуснинг сафосин ошиқа билдирғали,
Охири меҳру вафосин ошиқа билдирғали,
Тарзи дардингни(нг) давосини ошиқа билдирғали,
Хўблиғ аҳди бақосин ошиқа билдирғали,
Айлади зоҳир юзинг миръотида жавҳар хатинг.

Хусн мулкида малоҳат, тахтида эй подшоҳ,
Қайда додимға ўзингдин ўзга эрди додхоҳ,

Гоҳи мен афтода сориға агар қилсанг нигоҳ,
Икки золим кўзларингни айлаб ишқимға гувоҳ,
Бежарима қатл қилмоққа тутар маҳзар хатинг.

Кўз қаросини эзиб Хизр обихайвони била,
Айлади оғушта ушшоқ аҳлини қони била,
Хома тортилди букун тақдир фармони била,
Дафтари ҳуснунгда килки сунъ райҳони била,
Икки сатр айламиш таҳрир бемистар хатинг.

Наргисинг саргаштаси бир умр оҳуи Хито,
Акси рухсоринг била ойиналар соҳиб сафо,
Эй хаёли кифригинг ҳар ерда жонларға асо,
Насри тайюр дейму ёхуд сояи боли ҳумо,
Ёки жаннат тўтисидур ё магар шаҳпар хатинг?

То саводи зулфинг ой юзин дурахшон айлади,
Мушқил эрди тайи матлаб, эмди осон айлади,
Шукр кўпроқ қил, Муқимийким, фаровон айлади,
Фурқатиға бўса нархин охир арзон айлади,
Чин диёридин келиб Рум узра савдогар хатинг⁴⁰.

* * *

Хилватий газалига мухаммас

Айларам ҳар гоҳким, эй маҳваш, Намангонингни ёд,
Муддао қилмоқ дуои умр ила жононингни ёд,
Айлагай товус ҳам боғларда жавлонингни ёд,
Тийралик вақтимда этдим моҳи тобонингни ёд,
Яъни тунлар айладим шамъи шабистонингни ёд.

Дилбаро йўқ зарраи хусну малоҳатда каминг,
Ҳам Масиҳойи фалак жонбахшлиқда ҳамдаминг,
Мақсадим ширин ҳадисида эди ширин лабинг,
Васф ўлиб сўрма ёд айлаб ғубори мақдаминг,
Тўтиёни кўргач этдим гарди домонингни ёд.

Кўрмадим шахло кўзингдек чашми оҳулар кўриб,
Мушкбў билмай сочингдек чини гисулар кўриб,
Қайда сендек оташин рухсор гулрулар кўриб,
Ёд қилдим ул қаро холингни ҳиндулар кўриб,
Айладим зунноридин зулфи паришонингни ёд.

То жунун кўйида тарки ақл ила хуш айлагач,
Мовуман дарсин баҳри сурат фаромуш айлагач,
Муддаийлар ичра ўзни тарз хомуш айлагач,
Хушсухан ширин адолар хонишин гўш айлагач,
Айладим ул савти лаъли шаккарафшонингни ёд.

Гоҳ ҳижронингда бўлди дийдадин қонлар равон,
Гоҳ васлингни хаёлида бўлурдим шодмон,
Базми маҳфилларда авсофинг бўлиб вирди забон,
Чашмалар гирдида қилдим сабзалар кўрган ҳамон,
Хизр хат лаъли лабингла оби-ҳайвонингни ёд.

Тўтийи гүё кўруб ширин мақолинг эсладим,
Янги ойдин кеча абрўйи ҳилолинг эсладим,

Кўзгуга ҳайрон қолиб, жоно, мисолинг эсладим,
Учрагач ҳар сарви қад нозик ниҳолинг эсладим,
Айладим рафторидин сарви хиромингни ёд.

Йўқлабон қилган паёмингга, нигора, офарин,
Сангдиллар ичра кўнгилдур магарким оҳанин,
Иштиёқингда Муқимий доимо зору ҳазин,
Ногаҳон гулзорларда Хилватий, эй нозанин,
Гулжабинларни кўруб қилдим гулистонингни ёд⁴¹.

* * *

Мухаммаси сайлов

Ўшалким ҳақ деганлар шулмукин, рўзи жазо сайлов,
 Ки боқмас бир – бирига вақти ёру ошно сайлов,
 Агарчандеки бўлса қавму, хешу, ақрабо сайлов,
 Қачонким бўлди ҳоким амри бирла ибтидо сайлов,
 Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.

Кетиб тандин мадори бу хабардин хоҳ қари, ёши,
 Қўлидин ихтиёри ҳам йўқолди ақлу кенгоши,
 Ютунган бирла ўтмай барчасин оғзидаги оши,
 Тераклар баргидек титраб жамин қози мингбоши,
 “Юзини тесқари қил, – дер эдилар, – эй Худо!” – сайлов.

Хазарким фитнаи гардун саводини баёзидин,
 Батар кундин-кун айёмини истиқболи мозийдин,
 Самоға чанг урар қасдида анжумни арозидин,
 Олурға нора эллиқбошилар мингбоши, қозидин,
 “Ижобат бўлди-бўлди!” – Айлар эрдилар дуо, сайлов.

Улошиб часларига, белларида ахча рўзу шаб,
 “Туринг зинҳор, яъни мен тарафга, яхшилаб махтаб”.
 Баногоҳ бўлмасун деб, баъзи шанқиларни кўзи чан,
 Сочиб қарзи-қувола, пул кўтариб, истаюб мансаб,
 Бўлолмай, кўп кишини синдириб, қилди гадо сайлов.

Деманг сайловким, оқил наздида таклифи жон ситон,
 Қилиб урэн, этгайлар қадам қўймоққа ширин жон,
 Бўлурким гар узви-узвидан ҳар хори новак қон,
 “Ўтар уч йил гириллаб,-дер, -мор эрди не нуқсон?!”
 Бўлурса олти йилда бир низоми подшо сайлов.

Ўзундин бўлмаганлар азл зиллатгоҳига камбўй,
 Керакким буду нобудини қилмай эмди ҳаргиз ўй,

Кўюбон шодиёна, қилсалар бир неча кунлар тўй,
 Агар минг хатми Куръон этсалар, арзийди сўюб қўй,
 Ўлумдин қолди қолганлар, бўлуб эрди вабо сайлов.

Дареғ, андеша қилмай лаҳзае оғоз ила анжом,
 Тақобурдур ишим, нафсим йўлида субҳдин то шом,
 Бажуз оворалиғни ҳосил айлабдур нигиндин ном,
 Талоши жоҳ айлаб, от чошиб, олмай даме ором,
 Мусулмонларни рангини айлади чун қаҳрабо сайлов.

Жаҳонни сирру сайру эътибору обрўйидин,
 Димоғи бўлмади гулзорини хуш рангу бўйдин,
 Дамодам ҳайратим ортар замона феълу хуйидин,
 Муқимий, оғриди бошлар халойиқ гуфту гўйидин,
 Шаҳар тинчиб қолурди, бўлсачи эмди адо сайлов!⁴²

* * *

Аролаш

Минг ҳамду сано гўшада танҳо аролаш,
Минг шукри Худо рўз ила шабҳо аролаш,
Йиғлаб қилайин тавба насуҳо аролаш,
Бу турфа замон муъмину тарсо аролаш,
Солиҳ била толиҳ била ашқо аролаш.

Муъмин дили холи эмас шубҳайи шақдин,
Хавф ила хатар яхши-ямон икки малақдин,
Дил тафриқаси шубҳаи ила нони намақдин,
Айб айламангиз, шиква қилмай чархи фалақдин,
Эшон била зокир била гумро(х) аролаш.

Минг тавба муносиб бу замон, турфа замони –
Эл ташладилар юзларидин шарму ҳаёни,
Фарқ ўлмади: мулла, хўжа, яхши-ёмони,
Ноибу вакил, муфти била қози калони,
Сулҳ ила қасду туҳмату даъво аролаш.

Зулмат ичида муъмин элин ранги сомондур,
Дин аҳлини(нг) сийналари таҳ-батаҳ қондур,
Муъминга нишон, билки ҳаё бирла имондур,
Муслим кишига ушбу нишон-яхши нишондур,
Ноаҳл била аҳли муроса аролаш.

Фарғона сириштики, ҳасаду буғзу шарар шўр,
Ҳам айши тараб, доираи нағмаи танбур,
Ҳам бўза, арақ қўлларида чиннийи фағфур,
Бебоки чапан халқи шарор итиға мағрур,
Ўғрию қиморбозу хуноса аролаш.

Тақдири азал лавҳида ёзилган бу қазодур,
Ортуқ кам эмас, ризқи муқаддарки, ғизодур,
Ҳар яхши-ёмон феълга албатта жазодур,
Бил, ушбу тириклик равиши – тўю азодур,
Афсуси надоматда тамошо аролаш.

Бидъат кўпайиб, мотаму тўйларда риёлар,
Ҳам катта-кичик бурчагу сурчақда мўролар,
Оқларга қўшулди, сурулуб барча қаролар,
Наҳс ўлди, тамом уйлару ҳам кўча боролар,
Фисқ ила фасод зирваи зардо аролаш.

Эй уммати ожиз, кўтаринг дасти дуони,
Сидқи дил ила тавба қилинг навҳи навони,
Ул сарваримиз хурматидин олса балони,
Шоядки, Худо қилса ато дардга давони,
Қил ушбу дуомизни, Худоё, аролаш.

Оламини(нг) иши – масхараи байти ғазалдур,
Ҳар байти ғазал жумласи – тақдири азалдур,
Бил, эй Муқим, дарду алам – қанду асалдур,
Фаҳм айласангиз, ушбу сўзум сизга масалдур,
Чистону тилсим ила муаммо аролаш⁴³.

МАТНИ ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ШЕЪРЛАР

Ғазаллар

Улфатшайлик

Келсанг эй ёр бир улфатлашайлик,
Солиб бўйнингга қўл ҳасратлашайлик.

Неча муддатки муштоқи жамолинг,
Кел, нозик бадан, суҳбатлашайлик.

Бурунғи хуру бедодингдин, эй шўх,
Кел эмди эшитиб, миннатлашайлик.

Паёпай соқийё тут жоми майдин,
Мени маст этки, бир ишратлашайлик.

Худо солса кўнгилга тараф Каъба,
Билмаймиз йиғлашиб, ҳимматлашайлик

Куяр жоним фироқинг дўзахинда,
Висолинг боғида жаннатлашайлик.

Баногоҳ тортсангиз ҳамёзаи ноз,
Қилиб эл расмини суннатлашайлик.

Сайид халқи пайамбар олидиндур,
Келинг, эй дўстлар умматлашайлик.

Висолингға етолмай зор токай,
Жунун даштида бир ғурбатлашайлик.

Рафиқлар манзили мақсудга етгай,
Биз ҳам орқасидин суръатлашайлик.

Муқим, монанди булбулваш наво чек,
Ки то гул васлига қурбатлашайлик⁴⁴.

Ё Раб

Ютарман захр ҳажр ишқида ул нозик адо ё Раб,
Бу янглиғ талх комим, борму дардимға даво, ё Раб,

Кими олдида йиғлай ул жафо-жў ҳасратидинким,
Бориб бўлди бу кун бегоналарға ошно ё Раб,

Ётубмен мунтазир йўлида, гарчи васл эмас мумкин,
Кечар не навъ ҳолинг, десам бир йўл ман ризо, ё Раб,

Баҳори оразингдин кўху сахролар эрур хуррам,
Қилур шавқи жамолинг бирла булбуллар наво ё Раб.

Эрурман нотавон, ожиз, қадим хам ғам юки бирлан,
Қилур токай қаро бахтимни ул қоши қаро, ё Раб.

Агар бир умр хижрон даштида саргаштадур Мажнун,
Анга Лайли баҳона, мақсадим сан муддао, ё Раб.

Ҳидоят қилмасанг тавфиқу фазлинг, ғарқи исёндуру,
Ибодатларда нуқсон кўп, намозимда риё, ё Раб.

Ҳаётим мазраиға, маъсиятлар донасин сочтим,
Агарчи тонгла лутф эт, ҳосилим журму хато, ё Раб.

Ҳарими қурбига мендек гадони етмаки мушкул,
Аниким даргоҳида бўлса султонлар гадо, ё Раб.

Ики оламда бўлғил дастигиру малжау ҳомий,
Муқимийға ўзингдан ўзга йўқдур муттако, ё Раб⁴⁵.

Йиғласам

Кулма, эй бедардлар, ман бенавоға, йиғласам,
Айб эмас ишқ ичра дарди бедавоға йиғласам.

Ўзгаларга ёр – ёрим, қўймайинму ўртаниб,
Не ажаб бегоналарга ошноға йиғласам.

Зарра таъсир айласам, ул тош кўнгулга гарчи ким,
Кўз ёшимдин айланур ул осиега йиғласам.

Ул қаро кўз ҳасратидин чўл кезиб Мажнун каби,
Умрим борица оҳуйи Хитога йиғласам.

Ё Раб, ўлғайму муяссар ул ҳабибинг равзаси,
Йўлда еткунча шаҳиди Карболоға йиғласам.

Авлиёлар марқадин жоним билан айлай тавоф,
Шоҳимардони вали мушкулкушоға йиғласам.

Очилур ботин кўзи гумроҳ ман бошим узуб,
Қайси хоки-пойи ё Раб тўтиёға йиғласам.

Бир қаро бахтимга арзийдур саропо кўз ўпуб,
Даҳрда ҳар ерда бир бахти қароға йиғласам.

Сабр этай шояд, Муқимий, ул санамға хуш келиб,
Ишқ шартидин эмас, жавру жафоға йиғласам⁴⁶.

Ўйнайлик, кулайлик

Эй яхшилар, келайлик, бир жойга йиғилайлик,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Бу умр экан бақосиз, дунёи дун вафосиз,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Хуш кечган дам ғанимат, кўп чекма ранжи заҳмат,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Ғамдин қуруб мажолим, йўқ эмди зарра ҳолим,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Халлоқ бандапарвар, қўй, қилма ваҳми маҳшар,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Жўш урса баҳри раҳмат, журминг тамоми тухмат,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Гулбоғларда хуррам, бориб тур эмди биз ҳам,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Ол пардани юзингдин, юр, ўргулай кўзингдин,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Эй шўх ушлашиб қўл, келсангчи токи бир йўл,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Айлаб ғамингда гирён, тутинг демайки, эй жон,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик.

Йиғлабки мақсуд ҳосил, бўлмас Муқимий токай,
Ўйнайлик, кулайлик, шукр қилайлик⁴⁷.

Толеим

Оҳким афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,
Вожгундур имтиҳон қилдимки, аксар толеим.

Юз тарафдин еткуруб гарди кудрат занги ғам,
Айлагай оинаи таълим мукаддар толеим.

Ҳар неча қилсам тавалло – зори қилмас илтифот,
Рўйгардон тескари, тобора бадтар толеим.

Рўзгорим тийра, иқболим забун, бахтим қаро,
Бўлса равшан, бормукин тадбири дийгар толеим?

Соғиниб Ҳазрат афандин кўргали борсам агар,
Соате суҳбатларин қилмас муяссар толеим.

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонға салом,
Дафъатан икки қулоғини қилур кар, толеим⁴⁸.

Навбаҳор

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб гоҳе табиатни қилайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайн,
Айрилиб ҳушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ул ситамгар золиму бебок даврон хазони,
Лоладек қат-қат кўнгилда қилди пайдо доғлар.

Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошенин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, захми дил изҳор айласанг,
Чорае қилмоқдин ўзга устиға тирноғлар.

Шаҳарда куймайму мен, ажраб муқим ёридин,
Кирмагай кетса бири кетгай Ойим қишлоқлар⁴⁹.

Даркор эмас

Сенсиз ўтса умр, мундоғ манга жон даркор эмас,
Туфроқ ўлмак яхшироқ, руҳи равон даркор эмас.

Ҳар қаю маҳфилда васфингни чироғини ёқиб,
Қилмасам зикрингни кесилсун забон, даркор эмас.

Қадди мавзунинг тамошосидин улким топти завқ,
Сарв ила, биллаҳки, тубии жинон даркор эмас.

Ўртадим ишқингда қил сўзи ниҳонимдин тамиз,
Ошкора айлабон оҳу фиғон даркор эмас.

Ногаҳон кўнглум ўйиға келса ёдинг шодмен,
Қолмағай армону ҳасрат, хонумон даркор эмас.

Анбарафшон холу хатлар бўлса хушман боғбон,
Менга мундин ўзга сайри, гулситон даркор эмас.

Дарбадар юрсам жунун куйида айб этмак надур,
Булбули бехонумонман ошиён даркор эмас.

Ўлдурурсан чин абрў айласанг бир ноз ила,
Қатлима мужгонларинг қилмак синон даркор эмас.

риштаи назмимға исминг ҳурфини чектим Муқим,
Мундин ортиқ эмди, таърифу баён даркор эмас⁵⁰.

Зор айладинг сен ҳам

Нигора, бир кўрарга оқибат зор айладинг сен ҳам,
Десам захмимга марҳам, жонима кор айладинг сен ҳам.

Кўнгул қон ўлгани етмасмуди боз устига охир,
Бу янглиғ интизору дийда хунбор айладинг сен ҳам.

Чекар товус оху нола айлар кабк рашкидин,
Магар жавлон қилиб боғларда рафтор айладинг сен ҳам.

Кўлимдин ихтиёрим кетди бир дам, қолмади ором,
Парилардек қачонким феъли атвор айладинг сен ҳам.

Чекиб жавру жафолар, шўхлардин камму таъзим,
Ки, якбора осарға бегунаҳ дор айладинг сен ҳам.

Ўшал панжшанба кун мен ҳам чиқиб Чорсуда кўз тутдим,
Керакким кўрсам эрди, сайри бозор айладинг сен ҳам.

Муқимий, қайси гул ишқида мундоғ ўтлу булбулдек,
Фиғон қилдинг, куюб фарёди бисёр айладинг сен ҳам⁵¹.

Уйқуда

Растадин ўттимки, ул хуршид рухсор уйқуда,
Бул ажаб толъики, ман тушканда бозор уйқуда.

Оразида икки зулфини кўриб пур печу тоб,
Гул юзида ҳалқа урмушму, дедим мор уйқуда.

Ўпса оҳиста киши шаккар лабидин оҳким,
Маст ётган бўлса ойдин кечаси ёр уйқуда.

Очма нарғиз кўзини келсанг агар маъзур тут,
Хуштор ороми анинг бўлганда бемор уйқуда.

Ақлдин кайфияти бедорини сўрдим, деди:
Подшони уйғотиш густохи душвор уйқуда.

Уйқуда кўргач Муқимийга назар гуйиё,
Ким кўринди жумлаи аҳли дўкондор уйқуда⁵².

Арзимни айлай

Арзимни айлай боди сабоға,
Шояд гапургай ул гулқабоға.

Албатта келсун, холимни сўрсун,
Андиша қилсун, рўзи жазоға.

Неча замондур кўзга ниҳондур,
Ҳар ким ёмондур, солдим Худоға.

Оҳким эшитмай, додимга етмай,
Бир таъсир этмай, кетти ҳавоға.

Мандин чу оху рам қилди бадхў,
Баъзи ғаразгў тушди ароға.

Бўлдим фасона субҳу шабона,
Кўксим нишона тийри жафоға.

Ўзи уёнсун, ҳажрида қонсун,
Дардиға борсун қайда давоға.

Бўлгай хиромон, боқмай шитобон,
Қилмасмен эҳсон султон гадоға.

Йўқ зарру сийми, лекин самимий,
Ошиқ Муқимий келса дуоға⁵³.

Хуршиди тобон чиқти

Хатту холин йўқки сиз ҳусниға нуқсон чиқти денг,
Балки гул давриға сунбул бирла райҳон чиқди денг.

Ваъдаи васл этти-кетти учраганда, қосидо,
Ул суманбар аҳди паймонлари ёлғон чиқти денг.

Очибон рухсорини ногоҳ оқшом чиқса ёр,
Бегумон, аҳбоблар, хуршиди тобон чиқди денг.

Жилваи ноз ила чиққач боғ соридин нигор,
Ўзга билманг сарви навхизи хиромон чиқди денг.

Ҳар қачон чиқса тутиб ул шўх ағёр бирла қўл,
Гўйиё габрени ҳамроҳи мусулмон чиқти денг.

Хуш димоғ айлар келиб ҳар дам насими ё магар,
Ул пари пайкар қилиб зулфин паришон чиқди денг.

Эй сабо, зинҳор ўшал гулға мени булбул каби,
Кеча айлаб то саҳар фарёду афғон чиқди денг.

Ногаҳон ҳарф олиб, ҳар байт шеъридин Муқим,
Номини албатта, ул маҳбуби даврон чиқди денг⁵⁴.

Дилни афгор айлади

Оқибат, эй бемурувват, дилни афгор айладинг,
Яхши иш қилсанг эди, шул ишни бекор айладинг.

Мен каби дилсўздин яқбора юзни ўгуриб,
Бора-бора, сад дариғо, майли ағёр айладинг.

Не учун рашк ўтлариға шамъдек ёқилмайин,
Ошнолардин кечиб, бегонани ёр айладинг.

Боғ аро ёлғиз жигар хун, мен эмас ишқинг билан,
Лола кўксин доғ қат-қат дийда хунбор айладинг.

Умр ўтар, жоно, букун маҳшарни ҳам андиша қил,
Не гуноҳ қилдимки, манга жавр бисёр айладинг.

Рўзаларда ўзгалар бирлан қилиб бозори шаб,
Бу тирикликни манга ўлгунча душвор айладинг.

Йўқки ғамхўре деса бечораи шўрлик Муқим,
Ёрдин ажраб захру заққум бирла ифтор айладинг⁵⁵.

Аввалда кўрмасамчи

Аввалда кўрмасамчи, бағрим кабоб кўрмай,
Бир лаҳза сабру тоқат йўқ кўзда хоб кўрмай.

Тухми муҳаббатингни жон мазраиға сочдим,
Боқким, экин пишарму то офтоб кўрмай?

Оқса не тонг сиришким чиққанда хатту холинг,
Райҳонга ҳеч равнақ етгайму об кўрмай?

Ўт мадраса саридин, илм аҳли дарси ҳуснинг,
Фикрида таътил айлаб, юрсун китоб кўрмай.

Нозик белингни рамзи ҳукмиға илм ожиз,
То неча кеча кундуз “Фаслу-л хитоб” кўрмай.

Гоҳи карам юзидин сўрғилки то бу янглиғ,
Ағёр таънасидин ўқ беҳисоб кўрмай.

Эй хўблар амири, сандин умид этиб лутф,
Қилди ғазал Муқимий, кетмас жавоб кўрмай⁵⁶.

Офати жондур ўшал

Ҳажри-дўзах ошиқига, васли – рузвондур ўшал,
Мағфират раҳминг, тамуғ жаврингки сўзондур ўшал.

Эл топар ҳар дам каломингдин ҳаёти тоза жон,
Лаб-Масихо ё даҳонинг оби ҳайвондур ўшал.

Шеваи ноз ила ким кўзгуя боқтинг, эй пари,
Ул кун эмди то қиёмат маҳви ҳайрондур ўшал.

Меҳри рухсоринг хаёлидур тамошойи чаман,
Эй Эрам боғи жамолинг зулфи райҳондур ўшал,

Жилва бирлан расталар ичра хиром этсанг агар,
Ҳашаматинг кўрган демасму: “Қайси султондур ўшал?”

Накҳати меҳру вафо еткурди анбар кокилинг,
Дер икки фаттон кўзингким: “Маҳз ёлғондур ўшал”.

Айладинг бисмил чиқармай қон, қошинг тиғи билан,
Ангаким сув берди мундоғ, мунча буррондур ўшал?

Навбаҳор очилса гар лола дема ҳажринг туни,
Неча турлик кўздин оққан ҳар бири қондур ўшал.

Бўй эрур шабнам эмас баргида гул кўргач юзунг,
Чекти ҳижолат рашкидин чоки гирибондур ўшал.

Сафҳаи исминг зарафшон қилди назм ила Муқим,
Дермукин деб: “Лутф этай аз баски меҳмондур ўшал”⁵⁷.

Мундоғ ашъор кам

Нозанинлар ичра сандек нозанин дилдор кам,
Мубталолар ичра мандек мубталойи зор кам.

Онча бордурлар қаро кўзлар Хўқандда сан каби,
Ваъдасида турмаган шўхи жафокирдор кам.

Равнақу, ҳусн латофатларки, жоно, сандадур,
Оғнамас мардум бутунким, ҳоли ҳам хуштор кам.

Сунъ боғидин қани рангеки, бош чекмас баҳор,
Лек очилгай ўзунгдек сарви гулрухсор кам.

Жаъди мушкинингга тикди беадаб таъзириға,
Қилса ҳам шамшод кўнглин чарх агар афгор кам.

Илгари маҳтоб эди, эмди фуруғи қолмади,
Ё магар чиқдингму билмайманки, шаб бозор, кам.

Назмими бошиға исминг хурфидин гуллар тақиб,
Айладим мундоғ, Муқимий, дилбаро, ашъор кам⁵⁸.

Ол хабар

Ол хабар ул сарви ноз уйқусидин турганмукин?
Ногаҳон турган эса, туш-муш сўранг кўрганмукин?

Ботмасун кўргач хижолат абри ичра офтоб,
Турса ҳам чиқмай дебон эшикка, ўлтурганмукин?

Қатра-қатра дур нисор этмакчи эрди кўзларим,
Мақдамиға билмадим, оёки топширганмукин?

Ошналик аҳдида маҳкам эрурмен устувор,
Айла мазмун ваъдасида, қосидо юрганмукин!

Рози дил бир-бир садоға шарҳ қилдим, ёрга,
Гар деган бўлса, мабода тоза уқтурганмукин?

Бир сўраб ўтмас шаҳарга келса ҳам келмай хуш,
Ё самандини рақиблар сарига бурганмукин.

Жўралар базмида арз айланг гаҳе Фарзинчага,
Эсидин чиқмай Муқимий, ёдида турганмукин?⁵⁹

Орзу

Фикримиз боғидин унмас жуз ниҳоли орзу,
Махфили аҳбобу шамъу қийлу қоли орзу.

Васфи хусни қайси кун пайғомдин мафҳум ўлуб,
Бўлди биз афтодаларға парру боли орзу.

Лаълиму ё барги гул, шахду шакар ё лабмидур,
Чунки зикридин эрур ширин мақоли орзу.

Орзу бирлан қолай то чанд хижрон шомида,
Ваҳ қачон ёраб тулуъ эткай ҳилоли орзу.

Давлатим сарви қадиға қумри бўлдим тавқдор,
Вой улким ташна-ю, оби зилоли орзу.

Хоксорини сарафроз этса найлар лутф ила,
Иштиёқида эрурман поймоли орзу.

Ой юзиға кўз тушиб, борсак мунаввар бўлмаса,
Қонга тўлди йиғлай-йиғлай аз камоли орзу.

Нақш қилди хотами назмиға исмин хурфини,
От чиқарсун деб, Муқим соҳиб жамоли орзу⁶⁰.

Шафқат ила борди ярми годшаҳ,
Ҳозир ушал зилзила бўлғон замон.

Хайру Худойи йиғиб ҳар мулкдин,
Қисмат ила берди бўлуб меҳрибон.

Нонпазу қассоб топиб дафъатан,
Қурди танур, ўртаға – мошин қазон.

Сартча ошин пишируб эрта – кеч,
Бевааю бечорага сузди шалон.

Аксари урён, ҳаволар совуқ,
Тутти олар бошлариға соябон.

Ҳам ярадорин қаратиб дўхтура,
Топти сиҳат дорую дармон билон.

Суръат ила хайр улусдин етиб,
Борлиғи ҳам хайрият ўлди вагон.

Бўйла агар кўрмасалар илтифот,
Саҳл эди ким қолмаса бир жон омон.

Мардуми ҳам ҳирс қўйуб ҳирс пахтага,
Ерларини охчага чоғларди кон.

Воқеан инсоф қилиб боқсангиз,
Баъзи мусулмонларимиз ҳам ямон.

Тегди касофатлари бир юртға,
Борки масал: “Бирники минга”, - дегон.

Феъли бадин Тангри мукофотиға,
Тийри жазога қилақолди нишон.

Ногаҳ итоб айласа Парвардигор,
Хожат эмас лашкару тийр – камон.

Таъна хато, ушбу мусибатларни,
Рўзи азал котиби ёзган экон.

Сирри ҳақиқат бу, Муқимий, ҳам,
Санга на даркор демак ину он.

“Жон” бошина зилзила қасд айлагач,
Тарихи ақл айди: “Дариғ Андижон”⁶².

Дар мазаммати замона

Дариғоқим, ажойиб турфа бир охир замон бўлди,
Икки қўл то ёқода юрмасанг ишлар ёмон бўлди.

Тўлиб черкас, қизилбош, арманилар шахримиз ичра,
Мусулмонлар таҳипо яхшилар кўздин ниҳон бўлди.

Ҳамият айлаб Аҳмаджон туриб тужжор аҳлидин,
Шижоатдин танида ҳар сари муйи синон бўлди.

Уруб бир неча ерни босмачилар зор қақшатди,
Ки аксар бевау бечоралар бехонумон бўлди.

Тушуб хат: “берсун оқча мунча, – деб, – гар бермаса
кўрсун”,
Не бўлди Нурмуҳаммад Аълам ул ҳам ончинон бўлди.

Мувосою мадоро йўлини кўзлаб чиқишганлар,
Тирик қолди аларнинг шарру зулмидин омон бўлди.

Ҳама зир-зир сиуб, оқшом чиқолмай уйдин эшикка,
Саломат кўз очиб тонг отса турмоғлиғ гумон бўлди.

Йиғилди ҳар тарафдин зўр зани, хунрез ўғрилар,
Алардин нечаси бадбахтларни пирсиён бўлди.

Яқин бир ойғача пулдорлар аҳволи ҳар оқшом,
Киши билмас ётар жойи даруни коҳдон бўлди.

Отиб тонг ухлашолмай дуздлар ваҳми билан ҳаргиз,
Семиз бойлар озиб, ғам бирла чўпу устухон бўлди.

Қай мажлисга борсанг, босмачилардин гапургайлар,
Бўлак сўз ҳеч сиғмай ёлғиз ўзи дoston бўлди.

Чидолмай ғайратидин юртни хайриятин истаб,
Олиб аҳли саройин тўғри ҳокимға равон бўлди.

Бериб тушкан хатини арза қилди перевот айлаб,
Етиб мазмуниға ҳурматли ҳоким меҳрибон бўлди.

Пулу молини олдурган дубора айласун маълум,
Дебон фармонки қилди қайтадин бир-бир баён
бўлди.

Тушурди оқсоқол асрашни дарҳол ўрнидин,
Чиқиб буйруқлари – кўрбоши, сўфи – кардон бўлди.

Диёнатлиғ бу янглиғ яхши одамлар омон бўлсун,
Еди барҳам ёмонлар хайрият дориломон бўлди.

Муқимий шахрға шундоғ киши миръасас бўлса,
Худойим хоҳласа ўғрилар энди бенишон бўлди⁶⁵.

**Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий
шоирнинг айткон шеъридуру**

Ажаб халқ эканмиз, ажаб рўзғор,
Қизиқ ҳодиса, турфа лайлу наҳор.

Эшитинг ўшал бойдин қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.

Қоровул уйидин ярим оқшоми,
Баногоҳ бўлди фиғон ошкор.

Маҳалла бу ҳангомадин уйғониб,
Эшигига келди сағиру кибор.

Қоровул, истарши-ю, мингбошилар,
Чопиб келдилар, деб: начук кор-зор?!

Босиб кирдилар бу начук дод деб,
Уйига қаровулни беихтиёр.

Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Оёғида кишан қочурурға озор.

Кўюб томга бир бузуқ норвон,
Кўлидин тутиб кўрни, қилди дучор.

Икки-уч поғона чиқиб, шошилиб,
Йиқилди, синиб шоти, ул мурдавор.

Иториб кетидин пишанглар билан,
Азоб ила томга қилишди сувор.

Қочар эрди томда саросима кўр,
Чапу ростига музтару беқарор.

Халожа эди, туйнукидин ани –
Кетиб боши билан ўшал нобакор.

Туруб ҳовлининг соҳиби ноғиҳон,
Чироғила нақзи вузуға чиқор.

Халожода пиш-пиш қилур бир нима,
Деди: не балосан, овозинг чиқор!

Секинроқ гапир, мен фалонбой – деди.
Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.

Бу сўзда халойиқ, ғулув айлашиб,
Тутиб чиқдилар қилғали сангсор.

Қоровулни, хотин, қизи бойни,
Гаронишга келтирдилар ҳар чаҳор.

Кириб илгарироқ кордон қошиға,
Сиримни очиб қилма, деб шармсор.

Қўлингга тушуб феъли шайтон билан,
Деди: товба қилдим ҳазорон-ҳазор.

Приступга маълум қилмоқ учун,
Олиб кирдилар тўғри айлаб қатор.

Деди: нега бостинг бировнинг қизин,
Бобо ҳожи бўлсанг, купес – молдор.

Урушиб эди эру хотин булар,
Яроштурғали қилган эрдим гузар.

Уриб, тўра олдида мункир келиб,
Деди: тухмат айлар олурға виқор.

Шариатга айлаб ҳавола, деди:
Бу даъвога тейишли қозиға бор.

Қачон камбағалларнинг сўзи ўтар,
Агар бўлса ақчанг, сўзинг зулфиқор.

Эшонлар қолиб дукчини айбиға,
Бу одам уятиға аҳли тужжор.

Ниҳони сочиб сийму зар сув каби,
Босилди машаққат билан бу ғубор.

Халойиқға қилмас эди ихтилот,
Агар табъида бўлса номусу ор.

Муқимий сенга ушбу сўз не керак,
Бўлак ҳар кими кору аъмоли бор.

Ва лекин эшитконга танбиҳ бўлуб,
Қолур сафҳаи даҳрда ёдгор⁶⁴.

Дар мазаммати қурбақа

Пирларинг ҳаққида кўп қилманг фиғон қурбақалар.
Дам туринг, битти қулоқлар лаҳза, жон қурбақалар.

Бошқа вақти майли ғавғо қилсангиз, хомуш ўлунг,
Шаҳрдин келган эдилар меҳмон, қурбақалар.

Бош чиқориб ҳавздин ҳардам надур фарёдингиз,
Ёки бу масжид деб айтурсиз азон, қурбақалар.

Ҳеч ҳавзу, ҳеч қўл қурбақасиға ўхшамас,
Барча калладору фарбеҳ паҳлавон қурбақалар.

Ё ўрусдек жонуворларга бу кун майраммукин,
Ховз даврида ҳама масту пиён қурбақалар.

Не учун домла имомдин кўрқмассиз, агар,
Бир сиёсат бирла бўлдингиз ниҳон қурбақалар.

Илгари эркан Ойим қишлоқ, Муқимий, эмди ҳайф,
Баччалар ўрниға ҳавзида жувон қурбақалар⁶⁵.

Улоқчилар

Одам демангу тоза бало денг, улоқчилар,
Кайдоғ бало мисоли вабо денг, улоқчилар.

Отларга жавр этибки, чопишкай уриб ҳама,
Қилган иши ҳамиша жафо денг, улоқчилар.

Бечора отни қамчилашурлар жаримасиз,
Қилмас хаёли явми жазо денг, улоқчилар.

Ўлган бузовни тортишадур бир пақир деб,
Хайвон сифот ҳарбгаро денг, улоқчилар.

Лаънат тириклиғиғаким овқат учун мудом,
Ҳар тўйда хира, шанқи гадо денг, улоқчилар.

Чопиб улоқни ҳеч кўринмас кўзиға жон,
Бир йиқилиб, ўлишга одатинг улоқчилар.

Азрўйи жаҳл ўлса агар тортибон улоқ,
Маҳшар кунида юзи қаро денг, улоқчилар.

Гар десанг чопишда сурупий йиқилмайин,
Ушлаб жиловингизни фидо денг, улоқчилар.

Дашномингизға арзимагайлар Муқимийё,
Ҳар қанча ким казою казо денг, улоқчилар⁶⁶.

Уруғ

Бошлади мардум аро шўриши маҳшар уруғ,
Айлади чун рўдапо халқни музтар уруғ.

Нонини бултур еган, пойлаган эрди алар,
Ҳайф куйиб ақчаси қилди чу ахгар уруғ.

Зарда қилиб жонивор, бўйлаки хор қилдилар,
Қолмаса номидин асар, бўлмаса хуштор уруғ.

Ҳикмати парвардигор, банда таажжуб қолур,
Бўлди чу хоки сиёҳ зарга баробар уруғ.

Кимгаки ўтказсалар, ваъдага олганига,
Насъяга ҳам олмайин, эртаси қайтар уруғ.

Учраса гоҳ бир таниш, қўлини маҳкам тутиб,
Қўймайин аҳволига, ҳасратин айтар уруғ.

Кўрди ўтар ошно, дерки, деса: “камнамо”,
Бўлди бошимга бало, бор эди камтар уруғ.

Қайдаки дарвешлар қўлға олур фотиҳа,
Дебки, дуо қил сотиш бўлса муяссар уруғ.

Қозилар иқболига тухмининг жанжоли кўп,
Битса агар муфтилар фатвойи маҳзар уруғ.

Арманию русиён тоза ебон таъзирин,
Бир-бирига дедилар: “ўтмади занғар уруғ”,

Хирмани сармоясин боди зарарга бериб,
Бир неча бойваччани қилди қаландар уруғ.

Сўзни, Муқим, мухтасар ўлмоғи яхши вале,
Қанчаки оз, айласам шаънига дафтар уруғ⁶⁷.

Кўсамен

Оҳ, соқол қадри ўтиб, кўнгулда армон кўсамен,
Ҳафтада ойинаға боққанда ҳайрон кўсамен.

Барчада бўлса соқолу менда бир тук бўлмаса,
Йиғлабон ушбу аламдин гоҳ пинҳон кўсамен.

Сен ёшим сўрма, билолмайсан, ўзим ҳам, шунчаким,
Катта-катта мўйсафидларга падархон кўсамен.

Ёш гумон этма кўриб афтим, соқолим йўқ учун,
Маллахондин қолган эски қарри таллон кўсамен.

Бўлма овора, билолмайсан суриштирган билан,
Бир чигилменким, ешилмас асли чистон кўсамен.

Ёш гўдак бирла кураш тушсам чиллақдай оширур,
Суратим кўрсанг агар ўлгунча полвон кўсамен.

Ҳар шаҳарда кўп агар юрсам, бир ой юргум келур,
Найлайн савдойи, аҳволим паришон кўсамен.

Андижонларда бозорлаб кечаси Ўшни тунаб,
Чашкалиғ йўл эртаси чиқсам Намангон кўсамен.

Найлар эрдим қилса тарсо ё яХудо қавмидин,
Шукурким, Фарғон халқидин мусулмон кўсамен.

Найчилик бўлди фалак бедодидин охир ишим,
Йўқса, бир вақтида сурган даври даврон кўсамен.

Жағларим Шайдонни даштидек гиёҳ йўқ яп-яланг,
Энгакимдин бир оло маҳрам намоён кўсамен.

Сўрма мазмунини қил найдин қиёс аҳволими,
Ёзу қиш ҳар ерда мундоғ соҳиб афғон кўсамен.

Бир фақирдин бир пақирни, дўстлар, тутманг дариғ,
Бир дуогўйи Муқимий мен қадрдон кўсамен⁶⁸.

Дар мазаммати искаб топар

Турфа махлуқи вужудидур заҳар искаб топар,
Бир милит ухлатмадилар то саҳар искаб топар.

Ҳам ёмонликка ҳаво иссиғ, булутлиғ кечалар,
Димлиғи етмасмукин қайнаб чақар искаб топар.

Найзасини захмидин ҳаргиз омон топмас киши,
Йўқмукин дафъиға тадбири дигар, искаб топар.

Дамларинг қайтиб ўларсан ёпиниб, олсанг ўзинг,
Кўллариди найза-қонингни ичар искаб топар.

Хурмат этмай халқни тўғри келиб чаққай сабил,
Демагайлар: “қозилар, мингбошилар”, искаб топар.

Беркитиб эшик-тешикни шарридин истаб паноҳ,
Беркиниб ётсанки, лекин баччағар искаб топар.

Ҳикматин билмас Муқимий банда сунъи Ҳақ билан,
Бўлмаса йўқ ҳеч саҳрою шаҳар искаб топар⁶⁹.

Жавоби руқъайи Нодим Намангоний

Ассалом, эй тўраи олийжаноб,
Матлаи дебочаи ҳар фаслу боб.

Бу дуоким сизга қилсун Ҳақ насиб,
Давлати жовиди жомеъдин шароб.

Ранжи нуқсондин қилиб тангри бари,
Айласун икки жаҳонда комиёб.

Кўйсалар ҳар ишки мушкулдур қадам,
Даъфатан бўлғай Илоҳо фатҳи боб.

Рўзани тўртида хат тегди келиб,
Бизга, эй зоти камолот иктисоб.

Фаҳм этиб соғу саломатликларин,
Етти дилларга фараҳлик беҳисоб.

Хат ўқилди завқ бирлан сабр-басар,
Бир иборат чикди мазмуни итоб.

Дептиларким, ваъдаға бўлди хилоф,
Бўйла бўлмас эрди бўлса мустажоб.

Қайси кунким ул тарафга кеттилар,
Рўза қистаб келдилар айлаб шитоб.

Йўқ куюшдин бошқа гап, дузах киби,
Тошкандлар тобишидин офтоб.

“Рўза келгунча шул иссиғ кунда халқ,
Келса, дерлар, розимиз оби азоб”.

Тиллари чиққон, халойиқ ташна лаб,
Жумлаи мўмин юрак-бағри кабоб.

Рўза тутган бандалар деб альъаташ,
Ичмагай ифторда ғайр аз яхоб.

Баъзилар иссиғда бетоқат бўлуб,
Рўзадин андек қилишти интихоб.

Ассалом ўрниға мардум кўрушиб,
Бир-бирисиға дегайлар: оху об.

Хушлари келмас берурға кўз юмуғ,
Гар ато қилса савол ўғил жавоб.

Халқ ақлидин адашгону гаранг,
Бошларида ҳуш йўқ, маҳзи ҳисоб.

Икки йил иссиғ ҳавода келсалар,
Кўрқаман кўп шаҳр бўлғай, деб хароб.

Рўзаман, диққатчилик, кам ҳавсалам,
Қолмади қўлға қалам олмоққа тоб.

Ўқуса ногаҳ қулоғимга қўниб,
Бу маҳалда ёқмағай булбул-хуноб.

Бу сабабдин ваъдамиз ёлғон бўлуб,
Ҳам чунон сиймоб мо дар изтироб.

Қолган эрконмиз ёмон ўргонишиб,
Сиздин ажраб бизда камдур хўрду-хоб.

Етса гар ўз қўллариға бу хатим,
Қолмасун, албатта, тақсир, бежавоб.

Баъди рўза айласам азми Хўқанд,
Ниятим воллоху аълам биссавоб⁷⁰.

**Салом, эй меҳрибонлар
(жавобномаи Муқимий ба Фурқат)**

Салом, эй ошнойи жонажонлар,
Ақидат пеша, мушфиқ меҳрибонлар.

Аёзи вақту Афлотуни даврон,
Фаридуддаҳр, Аристуи замонлар.

Каманди Фитрат ила сайди маъни,
Қилурга чусту чобук нуктадонлар.

Ўқиб мактубингиз маҳзун кўнгулга,
Фараҳлиқ етти, бўлдим шодмонлар.

Бу дур афтодани йўқлаб сўрабсиз,
Бўлинг, ёрабки, кўп йиллар амонлар.

Худо хайрини берсун яхшиларни,
Бор эркан эсларида биз ёмонлар.

Хатингизда газетхона ишиға,
Бўлубсиз, қутлуғ ўлсун, таржимонлар.

Шерик Шайхантаҳурда беш киши-ла,
Муборак дарс ўқиш ушбу овонлар.

Ёнур равшан, агар ҳар кимни шамъи,
Хушам парвонадек зоҳир ниҳонлар.

Агар сўрсангиз аҳволимни шул вақт,
Қўл оғриқ устиға дарди миёнлар.

Бу ранжи шиддатидин гар десам, йўқ,
Кўзимда уйқу то вақти азонлар.

Дариғо сифлалар Хўқандда дойим,
Мусулмонсиз, ғизо ҳар лаҳза қонлар.

Фалак тийри жафо отса бировға,
Мени айлар, “Ўшал, шул!” деб нишонлар.

Саломингизни ким дўстларға дедим,
“Дуо мандин ҳам айтингиз” дегонлар.

Зиёда айласун бизга, эй дўст,
Ҳамиша суҳбатида дилраболар.

Муҳаййир, ҳожи Муҳйиддин, Завқий,
Ҳам соғу саломатлар айёнлар.

Хўжанд ўтди Макайлик соли навга,
Борур ҳам Тошканд айтдим гумонлар.

Масоҳат айлангиз гар базмларда,
Раво кўрманг бу ерда зиёнлар.

Камийу ҳожи Аъзамга фақирдин,
Дуо албатта денг, эй хурдодонлар.

Муқимий ҳасратим куйдурса қоғаз,
Начук таҳрир этиб айлай баёнлар⁷¹.

МУХАММАСЛАР

Жомий ғазалига мухаммас

Кадамро ранжа сўи мо асирон мекуни, ё не?
 Ба муштоқон жамоли худ намоён мекуни, ё не?
 Масихои, давои дардмандон мекуни, ё не?
 Ба раҳмат илтифоти мо асирон мекуни, ё не?
 Нигоҳе жониби мо хоксорон мекуни, ё не?

Кашидам баски ҳижрон тар зи хун шуд хонаи дида,
 Ба ранги ҳалқаи тасвири нун шуд хонаи дида,
 Зи жўши гиряи ашкам бурун шуд хонаи дида,
 Чу Яъқубам зи гиря сарнигун шуд хонаи дида,
 Худое Юсуфи моро ба Канъон мекуни, ё не?

Ба боғи фасли гул баҳорон мекуни равшан,
 Тамоми кўҳи саҳроро ба борон мекуни равшан,
 Гуҳар аз қатраҳои абри найсон мекуни равшан,
 Шаби торикро бо моҳи тобон мекуни равшан,
 Даруни қабри торикам чароғон мекуни, ё не?

Гунаҳкорам ғариқи баҳри исёни ту мебошам,
 Асири мубталои нафси шайтони ту мебошам,
 Ба ғафлат дода умр аз даст нодони ту мебошам,
 Шаби аввалки, ман дар гўр меҳмони тут мебошам,
 Шаҳо инъом эҳсонат ба меҳмон мекуни, ё не?

Барои бар бишу нуқсу камолам ду малак ояд,
 Паи фарқи ҳарому то ҳалолам ду малак ояд,
 Башоми тийра баъди заволам ду малак ояд,
 Накиру Мункар аз баҳри саволам ду малак ояд,
 Забонро дар жавобаш “Рабби!” гуён, мекуни ё не?

Муқимий – зарра: ҳамчун офтоби ховари Жомий,
 Заифу ожизам, кун дастгири, ёвари Жомий,
 Ба доди додхоҳи аз ту шояд довари Жомий,
 Кадомин дарду меҳнатро кунам ёд овори Жомий,
 Ту осон мушкили мо мустамондан мекуни, ё не?

Таржимаси:

Эй севикли, биз асирлар томонга ҳам қадам
 етказасанми ё йўқми?
 Биз муштоқларга ўз жамолингни кўрсатасанми
 ё йўқми?
 Масиҳо сифат бўлиб, биз дардмандларга даво
 қиласанми ё йўқми?
 Биз асирларга илтифот билан раҳм қиласанми
 ё йўқми?
 Оёқ остидаги тупроқ каби эзилган биз бечораларга
 нигоҳ қиласанми ё йўқми?
 Айрилиқ аламларини шунча кўп тортдими,
 кўз хоналари қонга тўлди,
 Кўз хонаси қон рангли ёшлар билан тўлган ҳалқа
 шаклига кирди,
 Кўз ёшларимнинг беҳисоб оқишидан кўз хоналари
 қабариб чиқди,
 Худди Яъқубга ўхшаш йиғидан кўз хонаси салқиб
 тушди,
 Эй Худо, Юсуфимизни Канъонга етказасанми ё йўқми?
 Эй замона гули, баҳор фасллари билан сероб қил,
 Бутун тоғу тошларни баҳор ёмғири билан сероб қил,
 Бу ёмғир билан турли гавҳарларни ундириб,
 ўстириб обод қил,
 Қоронғу кечани тўлин ой билан равшан қил,
 Қоронғу гўримни ёритасанми ё йўқми?
 Ман санинг гуноҳ денгизига ботган гуноҳларингман,
 Ўз нафсига мубтало бўлган қўлингман,
 Ўз умрини ғафлатда ўтказган нодонингман,

Биринчи кеча гўрдаги санинг меҳмонингман,
Меҳмонга инъом-эҳсон қиласанми ё йўқми?
Менинг нуқсону камолимни билиш учун икки
фаришта келади,
Ҳалолу харом ишларимни фарқлаш учун икки
фаришта келади,
Заволимдан (ўлимимдан) кейин икки фаришта келади,
Мени савол-жавоб қилиш учун Мункар-Накир –
икки фаришта келади,
Тилимни “Раббим!” деб жавоб беришга қодир
этасанми ё йўқми?
Муқимий Жомий олдида қуёш атрофида айланувчи
зарра сингаридур,
Заифман, ожизман, қўлимдан тут, ёрдам қил,
эй Жомий,
Сендан ёрдам сўровчиларга ҳамма вақт мадад этиб
келгансан, эй Жомий?
Дарду меҳнатларимнинг қай бирини эсга олайин,
эй Жомий,
Биз ёрдамга муҳтожларнинг мушкулини осон
қиласанми ё йўқми?⁷²

Вексиль

Мастур қолмағайким, сўзни йўғони чиқди,
Олтиариқлари ҳам вексилни кони чиқди,
Заводни битказолмай Эшонни жони чиқди,
Афсус, эй халойиқ, ишлар ёмони чиқди,
Охир замона маълум бўлди, нишони чиқди.

То ўтди Русиёга Фарғонанинг хирожи,
Вожгун бўлуб йиқилди хонларни тахту тожи,
Ҳар лаҳзаи дигар кун ғайби фалак мизожи,
Қолди ривож олмай Хўқанд зарб ройижи,
Бўлди заиф ислом, кофир замони чиқди.

Ҳар ишки халқимизга ҳокимлар этса фармон,
Қилмай иложи йўқтур душвору хоҳи осон,
Нукра-кумушларидин бойлар хижил, пушаймон,
Юз дод қилмасунму бечораи мусулмон,
Ҳар тангада миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди олди-сотди, фуқароингни бил, деб,
Пуллар жаримасини қилсанг экан, бихил, деб,
Бозору бай очолмай қишлоғи шаҳр сил, деб,
Арз этдилар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил, деб.
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама сотолмай, ё бир нима олурға,
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурға,
Солган қулоқларини эл гап недур билурға,
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотик қилурға,
Сўйи самога йиғлаб косиб фиғони чиқди.

Халқеки камбағалдур гуёки ғалтак ўлди,
Ўлганни устига ҳам бир неча калтак ўлди,
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,
Пул-лабба, нарх-қиймат устига пўстак ўлди,
Пўстак белига боғлаб Завқий баёни чиқди⁷³.

Ҳажви Бектурбой

Қисса бози дафтарга олгон экан Бектурбой,
 Бойлар бойи бойларга кордон экан Бектурбой,
 Маълум, машҳур Хуқандга шайтон экан
 Бектурбой,
 Кантуралар ичинда ёмон экан Бектурбой,
 Тему́р сандиқ дегони ёлғон экан Бектурбой.

Шиква қилсам жоиздир, замоналар на бўлди?
 Ботил мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди.
 Бектур тутган ишига юрак-бағрим қон бўлди,
 Кимки санга пул берди, кўп яхши деб қўл қўйди,
 Бир умр ани иши армон экан, Бектурбой.

Бўлмас дуо ижобат бетақвоу бетоат,
 Кўрмас жаннат юзини ҳар кимда йўқ диёнат,
 Мўмин қуллар қилмайдур амонатга хиёнат,
 Арзон эмас беиллат, қиммат эмас беҳикмат,
 Ноинсофу бетавфик, олғон экан, Бектурбой.

Ҳиссат харис давонлар хушоматгў нечаси,
 Машваратни (нг) бобида борур эрди кечаси,
 Молу, матоъи ҳимматлик санга берди ончаси,
 Ман хонаи пухта деб олдинг жаҳон оқчаси,
 Санга берган одамлар нодон экан Бектурбой.

Ман мунъим деб юрганлар, даври даврон
 сурганлар,
 Фаросатни(нг) йўлида оқил ман, деб юрганлар,
 Минг лак сўмни берганлар, йиғиб келиб
 турганлар,

.....
 Андижонлик бечора меҳмон экан Бектурбой.

Билмасларни билдирдинг, судхўр кўнглин
тиндурдинг,
Макру хийла ишлатиб, кўноқ қилиб, кўндурдинг,
Кўп бойларни синдурдинг, судхўр кўнглин
тиндурдинг,
Йўқ жойлардин ундуруб, сандиқ пулга тўлдурдинг,
Бир курашда йиқитган полвон экан Бектурбой⁷⁴.

От

Урма бир қамчи, олур минг интиқом, ўлсун бу от,
 Тишлабу тепиб ўтар умри мудом, ўлсун бу от,
 Ҳеч кишига бўлмағай чун ваҳши ром, ўлсун бу от,
 Тоб йўқ афтини кўрмоққа, ҳаром ўлсун бу от,
 Ҳайфдур ҳаргиз суғорманг, ташнаком ўлсун бу от.

Турфа қирчанғию, санғи, хираю бадкордур,
 Фикри-зикри доимо андешаси озордур,
 Шовқунидин, эл миниб чиқсанг агар, безордур,
 Гар сафар қилсанг бирав ҳамроҳлиққа зордур,
 Шатта солғай йўлда ким қилса салом, ўлсун бу от.

Бад қабоқ, сурат совуқ, рангида кўрким қони йўқ,
 Бедани чайнаб ютарға тиш била дармони йўқ,
 Ҳар қадамда қоқилур жисмида лоғар жони йўқ.
 Минган одам бўлмаса мажрух то имкони йўқ,
 Гўёқир орқатиғи бениём, ўлсун бу от.

Доғули хислат, муғомбир, феъли-атвори қизик,
 Боғласанг бир ерга, келсанг ноғиҳон қайтиб ешиқ,
 Бермағай тутқич, мисоли сабчибон ўғри мишиқ,
 Гарчи ҳанги, жангаридур, кошки бўлса пишиқ,
 Ўлгуча қўшу жувоз бобида хом, ўлсун бу от.

Зарра минганда ҳузур бирла ҳаловат кўрмадим,
 Шумлигидин ҳеч бир манзилда тинчлик кўрмадим,
 Эрта оқшом пуштлаб, бир лаҳза емсиз қўймадим,
 Қанча боқсанг силга ўхшаб, ранги чиқмас билмадим,
 Сингдуrolмас, еса рад қилғай таом, ўлсун бу от.

Яхшиси бул: бош кесинг қилганда тўй, айлаб сўқум,
 Ё муҳимми хайра қўш, ўрниға қўй айлаб сўқум,
 Ҳожат эрмасдур йўқотғил гуфтуғўй, айлаб сўқум,
 Дум билан ёлин кузаб, жаззоси сўй айлаб сўқум,
 Парчаи жул, садқаи зину лажом ўлсун бу от.

Дафъатан тўхтар йироқдин бўлса бир одам дучор,
Анга боқиб кишнагай оғзин очиб чун аждаҳор,
Қайтадур ночор ўталмай орқасига кўча тор,
Садқаи ему хашак кетсин, қўйинг очу наҳор,
Эртарақ етсун ҳалокатга тамом, ўлсун бу от.

Чап бериб, пойлаб тепарга устухон йўқ этида,
Ёндашиб бормай йироқроқ тур охурнинг четида,
Дўст бўлмайдур – масал – туклук нимарса бетида,
Олдин келсанг оғиз солғай, мабодо кетида,
Тепадур хоҳи чуқурлик, хоҳи том, ўлсун бу от.

Хуркуб ўтмас ўлса кўзиға кўринса бир гиёҳ,
Ботинолмас анга бир элик чуқурча – катта чоҳ,
Чўчимасдин ким қилур ўзиға ўзи иштибоҳ,
Икки қўл доим яқода шарридин истаб паноҳ,
Мингган одамни қилур субҳини шом, ўлсун бу от.

Йил суруштирсанг, яқин эликка киргандир ёши,
Қамчиға беҳад қалин, гўёки аъзоси тоши,
Хийла-ю макру жаҳолатдур ҳамиша ўйлоши,
Билмадим чиққан ўрусдинму кесилганда боши,
Бир қадамни ерга қўймас бенизом, ўлсун бу от.

Кимса бозора сузиб дум, эй Муқимий солмади,
Бир харидори чиқиб, олган пулимға олмади,
Нечаким бадбахт тадбир айладим сотилмади,
Тобу тоқат менда эгарлаб минарга қолмади,
Келганига олса сот, эмди ҳаром ўлсун бу от⁷⁵.

МАСНАВИЙ

Танобчилар

Бўлди таажжуб қизиқ хангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими.

Ўн икки ойда келадур бир таноб,
Ўзгалара роҳат менга азоб.

Султон Али Хўжа, Ҳакимжон икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гуё хаёл айлаки, қилмай нифоқ.

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироғ ёғи, Ҳакимжон – пилик.

Бири-бирисига солишурлар ўрин,
Эрта-ю кеч ўпушиб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳама вақт уч қават.

Бирлари мўлтонинома, хийлагар,
Бирларидур кундапиху гавдахар.

Оғизлари мақтаниб ўнбеш қариш,
Майда сухан, эзма чурук, занчалиш.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.

Дерки: “Кўзунгга ҳали кал жўжаман,
Махтуми Аъзамлик ўзим хўжаман.

Отамизни отлари Шоҳлиғ мазор
Мухлисимиз мардуми ушбу диёр.

Бизларо Эрхубби бўлодур тағо,
Амамизи(нг) эрларидур Нурато.

Бири Убайда бўладур холамиз,
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр отамиз ила буродар эрур,
Чимлиғ азизлар менга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,
Эмди берай қирқингиза бир қазон.

Манки танобингга чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Ўт қўюбон куйдурадурғон ўзим,
Хоқимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,
Хоҳ карам бирла бошингни силай”.

Хўжа сўзини мунга бергай қарор,
Мардуми сахройи бўлур беқарор.

Дерки Ҳақимжони – “Аё оқсоқол,
Бизни топибсан магарамким ўсол?”

“Ҳозир этиб тўрт нафар мардикор,
Тўғри қил олдимға қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,
Баччаталоқ қишлоқиларни урай.

Бир бураин муйлабимни чиқиб,
Торт танобини жазоси сиқиб!

Яғшилиғингни фуқаро билгай,
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,
Куйдурубон юртини айланг хароб.

Нафъини билмайди булар баччағар,
Дебки, узангуга аёгин тирар.

Бир-бириға қишлоқ аҳли боқишиб,
Гоҳ уён, гоҳ буён тентираб.

Жамъ бўлиб айлаюбон маслаҳат:
– “Дўғмаға, – дер, – бир нима бериб жўнат”.

Ақча қўлида икки-уч мўйсафид,
Дерки: – “Бу назрингизу, бизлар мурид”.

Зулм билан эллигу юзни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию, бизлар ёмон,
Эл тамизидин ҳазар эт, алъамон.

Ўзга яна ғусса будурким, дейин,
Шунчаки бир қисса булардин кейин.

Кўшти Жалолхон деган ўглин манга,
Деди: “Руқум ўргатадурсиз сиз анга”.

Юклади ўглини менга мухтасар,
Бу дағи ортиқча менга дардисар.

Сўзни, Муқимий, керак этмак тамом,
Маззаси қолмас узун ўлса калом⁷⁶.

“САЁҲАТНОМА”ЛАР

Қўқондан Фарғонага

Чун шахридин чиқдим “Қудаш”,
Хотир билан маҳзуни ғаш,
Мажнунсифат девонаваш,
Хушчашмаю кам чанг экан.

Озодадин тупори кўп,
Дукчисидин аттори кўп,
Чойхўридин кўкнори кўп,
Бир раста носу банг экан.

“Яйфан” агарчи дилкушо,
Мардумлари енгилнамо,
Бир-бирлари ила доимо,
Бўлар-бўлмасга жанг экан.

“Нурсух” каби бир маъво кам,
Тушмай ўтиб қилди алам,
Олма, анор ўрнига ҳам,
Боғида токи занг экан.

“Рафқон” ажойиб жой денг,
Бир кўча кетган сой денг,
Салқин супа ҳой-ҳой денг,
Ким кўрса ҳангу манг экан.

Айвончалар мисли катак,
Йўлиға одам сиққудак,
Чит бирла бир ерда алак,
Бозори тору танг экан.

Хожам бугун савдо бажо,
Баским кўп эркан ошно,
Эркаклари бари ото,
Хотунлари амманг экан.

Кўй қилма “Конибодом” ҳавас,
Бўлмас шамоли ҳеч бас,
Кўзларга ургай хору хас,
Борғунча йўли чанг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,
Қилди ашула бир жувон,
Овози эшакдин ёмон,
Ҳанграрга хуш оҳанг экан.

Кўп мардумидин “Бешариқ”
Аҳлини “қуттоут тарик”,
Етим ҳақи – гўшти балиқ,
Ишлари реву ранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,
Пурзўр кетмон урсалар,
Вақти намозга борсалар
Масжид сорига ланг экан.

Қийғир кўтарган уч йигит,
Ухлатмадилар бир минит,
Ҳам бошда тонг отқунча ит,
Фингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Ҳайфи алар кимхобу шол,
Хоҳ ёш бўлсун, хоҳи чол,
Эркаклари дер қизни ол,
Хотунлари қадзанг экан.

Бозорда қайда бор эдим,
Ирғиб ароба “ҳо” дедим,
Ётмай десам ночор эдим,
Лоҳаз гарангу ланг экан.

Белни Муқимий бойладим,
Шундоғ юрушни шайладим,
Дунёни таҳқиқ айладим,
Бир маҳзи ному нанг экан⁷⁷.

Қўқондан Шоҳимардонга

Фарёдким, гардуни дун,
Айлар юрак-бағримни хун,
Кўрдик, бир аҳли фунун,
Чарх анга кажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яёв, бўлсун отим,
Гаҳ сайр ҳам даркор экан.

“Ултарма”га қилдим юруш,
Ошнама эди бир читфуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,
Жамъи ёпинган бошга тўн,
Боқсамки, беш юзча хотун,
Воиз қулоқ солар экан.

Мингбошилиқ кимнинг иши,
Десам, деди бир дониши,
Бир “Қўштегирмонлик” киши,
Хўжа Исо бекор экан.

Серобу салқину васиъ,
Юрсанг ҳавоси муртафиъ,
Соҳиб торозу миррабиъ,
Ҳожи Ғафур саркор экан.

Мағрур, ҳирсу бешу кам,
Ҳар сўзда лоф, ичгай қасам,
Такжой олур моховдан ҳам,

Ҳожи ўзи мурдор экан.
“Дўрманча”га кетдим ўтуб,
Ёқамни ҳар соат тутуб,
Ётдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.

Анда бўлус ҳожи деди,
Ҳам муфти ҳам қози деди,
Юрти ҳама рози деди,
Бечора беозор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайф очилмайдур кўзи,
Юқори бошидин тизи,
Эрмаклари кўкнор экан.

Кўргурма бир кампир ўрус,
Уйдек амома кўса тус,
Бориб финакка усма-ус,
Алқисса деб қолар экан.

“Оқ ер”дин ўтдим, бойлари,
Олий иморат жойлари,
Меҳмонсиз ўткай ойлари,
Келса биров ночор экан.

Аммо назарда “Рошидон”,
Фирдавс боғидин нишон,
Жомеълари оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

Шокир нойиби волости,
Ҳимматда денг ҳотамтойи,
Келганда бир меҳмон шави,
Жониғача ийсор экан.

Ул хожаи илғир нигин,
Ғаввоси дарёи яқин,
Сарҳалқаи асҳобидин,
Зоти фалак миқдор экан.

Тангрига кўнгил бойлайин,
Бориб зиёрат айлайин,
Ёндим боролмай найлайин,
Устод мардикор экан.

Армон, зиёрат қилмадим,
Бир кеча ётиб келмадим,
Кўз бирла кўриб билмадим,
Хуш баҳри файзосор экан.

Маъюс бордим “Зоҳидон”,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами, ичмай пиён,
Маст отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўзланган ўчоқ-мўрилар,
Табъинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

Бешер эмасдур бешалар,
Бордур саховат пешалар,
Қилман ёмон андишалар,
Яхшилари ҳам бор экан.

Кўрдум дедилар “Бўрбалиғ”,
Бир пода, қўй, эчки ариғ,
Сўрса киши нону қатиғ,
Шому саҳар тайёр экан.

“Олтиариқ” курсин ўшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бўлдим ўюб ёмғирда шал,
Тўн шилта, хўл изор экан.

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбиҳу бўйнида ридо,
Чўқиб қочар зоҳи ало,
Бир доғули айёр экан.

Хайру сахо важҳига кар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Келса гадой ногаҳ агар,
Бир пул чиқиш душвор экан.

Шовқин қилур тентаклари,
Иштонида ҳиштаклари,
Хониш қилиб эшаклари,
Тўп-тўп юруб ҳангрор экан.

Кўрдим чуқур “Чимён” эрур,
Ер остида зиндон эрур,
Душманлари меҳмон эрур,
Мардумлари тарор экан.

“Водил” мақоми жонфизо,
Дўконларидур дилкушо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга, обишор экан,

Туғлар кўринди ёрқираб,
Шоҳи араб, мири Нажаф,
Ҳам дурри дарёи шараф,
Ул Ҳайдари каррор экан.

Килмоқ шикоятдур ўсал,
Келди бад дунянг аз азал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурилган дор экан,
Алҳамдулилло, бехатар,
Келдим, Муқим, айлаб сафар.
Музтар қолиб, кўрмай зарар,
Ҳақ бандасига ёр экан⁷⁸.

Қўқондан Исфарага

Афлок кажрафтор учун,
Ҳардам кўнгул афгор учун,
Хўқанд тангу тор учун,
Сахро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин “Яккатут”,
Баққоли дузди бадбурут,
Бир танга соткай бир қурут,
Инсофсиз тарор экан.

Қишлоқ жувони йиғилишиб,
Иссиғда ўйнашган пишиб,
Ўтган тамошобин тушиб,
Сешанба кун бозор экан.

Сойики “Иштонсолди”си,
Келгай шаҳидларнинг иси,
Канда эмасдир ўғриси,
Асли қароқчизор экан.

Мингбоши Эшдавлат акам,
Аммо қуруқ савлат акам,
Қилса чиқим гар бир дирам,
Уйқу қочиб, бедор экан.

“Яйфан” каби толзор кам,
Йўқ соясида зарра ғам,
Зебо санам, қоши қалам,
Жононлари бисёр экан.

Дўмалари ҳам хўб бажо,
Волоснойи уҳда буро,
Юрт ишларини доимо,

Хайриятин кўзлар экан.
“Нурсух” каби ҳам юрт йўқ,
Боғдору деҳқон қорни тўқ,
Масжидлари ҳам хўб улук,
Турфа фараҳ осор экан.

“Рафқон”ни бозор жойи танг,
Муллолари чаққон, гаранг,
Омилари ҳам мулла ранг,
Кўйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Берса гадога нон алар,
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аммо “Работи” баччағар,
Йўқ ҳеч одамдан асар,
Бир подажойи гову хар,
Чун оғули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб,
Мирза Умарни тўғрилаб,
Ҳавлисида наҳор экан.

Бўлсун ўшал Бурҳон омон,
Яхши йигитдур бегумон,
Хурсанд қилди ногаҳон,
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки кўпрак юрмадим,
Бир-икки ҳафта турмадим,
“Тикка Работ”ни кўрмадим,
Бир файз бузруквор экан.

Маъюс чиқдим “Исфара”,
Дил хаста, мажруҳи яра,
Иссиққа куйган қоп-қора,
Олти жиҳат кўксор экан.

Анҳору сою жўллари,
Ўйнаб келодур сувлари,
Ширинки зардолулари,
Қанду асал бекор экан.

Қози жувонмарди накў,
Бориб-келибон чоркў,
Ногаҳ бўлиб дарди гулў,
Санчиқ тутиб бемор экан.

Ҳожи Зухур ҳам Ўрдада,
Сарҳавзлар, олий сада,
Борса агар бир ғамзада,
Жониғача ийсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,
Тўғри сўзи аччиғ-туруш,
Сил, эски бачча, чойфуруш,
Ҳофиз Умар, Қахҳор экан.

Бўлма ҳаловатга касал,
Оламда кам бениш асал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурулғон дор экан.

Алҳамдулилло, бехатар,
Келдим, Муқим, айлаб сафар,
Музтар қолиб, кўрмай зарар,
Ҳақ бандасига ёр экан⁷⁹.

Исфара саёҳатидан**(янги топилган парча)**

Шаҳр ичра тоқат тоқ ўлуб,
Дубора йўллар қоқ ўлуб,
Кўз Исфара муштоқ ўлуб,
Аввал чиқиш “Яйфан” экан.

Кун тобишида бу сафар,
Ўллар сақардин ҳам батар,
Тоғ ичра раҳзан баччағар,
Кўп элни қақшатгон экан.

Кетгунча йўллар хорлар,
Йўл захмидин озорлар,
Кўкка етар кўхсорлар,
Ҳайҳот, хористон экан.

Қир пастида шўртанг ариғ,
Бир тўп йигит ўргай тариғ,
Тўнсиз, ялонғоч, ҳай дариғ,
Бечора, оч деҳқон экан!

Кам ғайри Қахҳору Умар,
Фарғонада ҳофиз дигар,
Билмас эканман беҳабар,
Навмидлар хушхон экан.

Ўткан китобдори замон,
Хаттига ҳайрон инсу жон,
Чун дахмаси гўё жинон,
Ўқишлари Куръон экан.

Чоркўга ҳам келдим етиб,
Отдин йиқилдим шилп этиб,
Беҳуш – ўзимдин кетиб,
Ман сахт бедармон экан.

Чоркў бозорин тор бил,
Атрофини кўҳсор бил,
Панжшанба кун бозор бил,
Бир, икки, уч дўкон экан.

Бой мардикори маччойи,
Чўнтоғ самонлик лойи,
Бечорага нону чойи,
Тўн ўрнида ўтгон экан.

Беш-олти уйлик камбағал,
Деворлари тошу шағал,
Анга тарика бар маҳал,
Қишлоғи Маччоён экан.

Аммо Амин Абдуррасул,
Ким борса хизматкор ул,
Яхши йигит, очик кўнгул,
Юрт устида тургон экан⁸⁰.

ИЗОҲЛАР

ЯНГИ ТОПИЛГАН ШЕЪРЛАР

Ғазалларга

1. Мазкур ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 30^а-саҳифасидан аниқланди.

2. Ушбу шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 56^а-саҳифасидан аниқланди.

3. Мазкур ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 36^а-саҳифасидан аниқланди.

4. Мазкур ҳажвий мазмундаги ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 6^б-саҳифасидан аниқланди.

5. Ушбу ғазал жанридаги таърих бир мачит қурилишига бағишланган. Форс-тожик тилидаги шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 3^б-саҳифасидан аниқланди.

6. Форс-тожик тилидаги мактуб Муқимий Тошкентда эканлигида ёзилган. Шеърда тилга олинган Бурҳон тилмоч, Зухур хожи, Саййид Усмон қози, Абдумўмин, Абдужаббор, Азимжон, Мирза Умар, Мирсалим сингари кишилар Муқимий дўстлари ва яқин кишилари бўлган. Мактуб ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 46^{а-б}-саҳифасидан аниқланди.

7. Профессор Ғ.Каримовнинг таъкидлашича, Шайх Сулаймон Афғоний Қўқоннинг катта чойфуруш бойларидан бўлиб, ўзи адабиёт ҳафаскори сифатида шеърлар ҳам ёзган. Шайх Сулаймон Қўқонда шоирларни йиғиб, адабий кечалар ташкил қилган. Шоирларга иқтисодий ёрдам ҳам бериб турган. (Каримов Ғ.Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: 1970. –Б.52). Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 62^б-саҳифасидан аниқланди.

8. Ушбу ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 132^а-саҳифасидан аниқланди.

9. Мувашшаҳ – ғазал Нозимхон исмига қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 66^б-саҳифасидан аниқланди.

10. Мазкур мувашшаҳ- ғазал Жамолхон исмига қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 58^б-саҳифасидан аниқланди.

11. Мазкур Муҳсинхон исмига қилинган мувашшаҳ-ғазал Алишер Навоийнинг “*Кимса мендек даҳр аро бесабру ором ўлмасун*” мисраси билан бошланувчи ғазалига назира қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7512 рақамли қўлёзма баёзининг 167^а-саҳифасидан аниқланди.

12. Ушбу шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 119^{а-б}-саҳифасидан аниқланди.

13. Мазкур ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7512 рақамли қўлёзма баёзининг 63^а-саҳифасидан аниқланди.

14. Мазкур шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 12195 рақамли қўлёзма баёзнинг 14^а-саҳифасида берилган. Шеър матни илк марта адабиётшунослар А.Турдиалиев ва С.Эшонвалар томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 2011 йил, 22 апрель сонидида эълон қилинган.

15. Ушбу ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 2492 рақамли қўлёзма баёзнинг 64^а-саҳифасида берилган. Шеър матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Адабий мерос” журналининг 1984 йил, 2-сонидида эълон қилинган.

16. Ҳажвий мазмундаги ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1895 рақамли қўлёзма баёзнинг 82^{а-б}-саҳифасида берилган. Шеър матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Адабий мерос” журналининг 1984 йил, 2-сонидида эълон қилинган.

17. Мазкур ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 129^а-саҳифасида берилган. Шеър матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Гулистон” журналининг 1973 йил, 4-сонидида эълон қилинган.

18. Ушбу шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 129^б-саҳифасида учрайди. Ғазал матни илк марта адабиётшунос адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Гулистон” журналининг 1973 йил, 4-сонидида эълон қилинган.

19. Мазкур ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли қўлёзма баёзининг 132^а-саҳифасида берилган. Шеър матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Гулистон” журналининг 1973 йил, 4-сонидида эълон қилинган.

20. Мазкур ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 802 рақамли қўлёзма баёзнинг 17⁶ -саҳифасида учрайди. Ғазал матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1985 йил, 31май сонида эълон қилинган.

21. Ушбу шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 2492 рақамли қўлёзма баёзнинг 76⁶-саҳифасида учрайди. Ғазал илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1985 йил, 31 май сонида эълон қилинган.

22. Мазкур ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган 802 рақамли қўлёзма баёзнинг 12⁶ -саҳифасида учрайди. Ғазал илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1985 йил, 31 май сонида эълон қилинган.

23. Ушбу ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган Ҳамид Сулаймонов 802 рақамли қўлёзма баёзнинг 10⁶-саҳифасида учрайди. Ғазал илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1985 йил, 31 май сонида эълон қилинган.

24. Ушбу ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 26⁶ -саҳифасида учрайди. Ғазал матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Гулистон” журналининг 1973 йил, 4- сонида эълон қилинган.

25. Ҳажвий мазмундаги шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 76⁶ -саҳифасида учрайди. Ғазал матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан

“Тулистон” журналининг 1973 йил, 4- сонида эълон қилинган.

26. Мазкур ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 11286 рақамли кўлёзма баёзнинг 47⁶ -саҳифасида берилган. Ғазал матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1985 йил, 1 февраль сонида эълон қилинган.

27. Мазкур ғазал Ғафур Ғулом номидаги Фарғона адабиёт музейида сақланаётган 49.4100 рақамли Муқимий “Чўнтак баёзи”нинг 31⁶ -саҳифасида берилган. Ғазал матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан (Адабий мерос тўплами, - Т.: Фан, 1971 йил, 2-сон) эълон қилинган.

28. Ушбу ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 73⁶ -саҳифасида берилган. Ғазал матни илк марта профессор Ш.Юсупов томонидан “Тулистон” журналининг 1978 йил, 2-сонида эълон қилинган.

29. Ушбу ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 65⁶ -саҳифасида берилган. Ғазал матни илк марта профессор Ш.Юсупов томонидан “Тулистон” журналининг 1978 йил, 2-сонида эълон қилинган.

30. Мазкур ғазал ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 150^a -саҳифасида берилган. Ғазал матни илк марта профессор Ш.Юсупов томонидан “Тулистон” журналининг 1978 йил, 2-сонида эълон қилинган.

31. Ушбу шеър Ғафур Ғулом номидаги Фарғона адабиёт музейида сақланаётган 1138 рақамли алоҳида варақда Муқимий дастхатида берилган. Кўлёзма зарарлангани учун бешинчи байтнинг биринчи мисрасидаги матнни тўлиқ ўқиш имкони бўлмади. Ғазал

матни илк марта адабиётшунос О.Жўрабоев томонидан “Адабиёт кузгуси” илмий тўпламининг 2000 йил, 5-сонида эълон қилинган.

32. Ушбу ғазал Ғафур Ғулом номидаги Фарғона адабиёт музейида сақланаётган 96/2.4062 рақамли алоҳида варақда Муқимий дастхатида берилган. Қўлёзма зарарлангани учун биринчи байтнинг биринчи мисрасидаги матнни тўлиқ ўқиш имкони бўлмади. Ғазал матни илк марта адабиётшунос О.Жўрабоев томонидан “Адабиёт кузгуси” илмий тўпламининг 2000 йил, 5-сонида эълон қилинган.

МУХАММАСЛАРГА

33. Ушбу мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 55^б-саҳифасидан аниқланди.

34. Мазкур мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 12195 рақамли қўлёзма баёзнинг 40^б-41^а саҳифасида берилган. Мухаммас матни илк марта адабиётшунослар А.Турдиалиев ва С.Эшоновалар томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси” 2011 йил, 22 апрель сонида эълон қилинган.

35. Ушбу мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 32^б-саҳифасида берилган.

36. Мазкур мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 346-рақамли “Баёзи янги” номли (125-128-саҳифалар) тошбосма баёздан аниқланди.

37. Ушбу мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 58^б-саҳифасида берилган. Мухаммас

матни илк марта адабиётшунослар А.Турдиалиев ва С.Эшоновалар томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2011 йил, 22 апрель сониди эълон қилинган.

38. Мазкур муҳаммас ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган 2492 рақамли қўлёзма баёзнинг 221⁶-саҳифасида учрайди. Муҳаммас матни илк марта адабиётшунос О.Жўрабоев томонидан Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасининг 2001 йил, 9 февраль сониди эълон қилинган.

39. Ушбу муҳаммас Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи П.Қайюмов томонидан (“Тазкираи Қайюмий”. Т.: ЎЗФА қўлёзмалар институти нашриёти, 1998 йил, 1-жилд) эълон қилинган.

40. Ушбу муҳаммас ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 13^{а-б}-саҳифасида берилган. Муҳаммаснинг саккиз бандини профессор Ш.Юсупов “Гулистон” журналининг 1978 йил, 2-сониди эълон қилган эди.

41. Мазкур муҳаммас ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган 2492 рақамли қўлёзма баёзнинг 245^б-саҳифасида берилган. Муҳаммас матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Адабий мерос” журналининг 1984йил, 2-сониди эълон қилинган.

42. Ҳажвий мазмундаги “Сайлов” мавзусидаги муҳаммас ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 9836 рақамли “Ашъори мутафарриқа(тарқоқ шеърлар)” номли қўлёзма мажмуанинг 61^б-саҳифасида берилган. Муҳаммас матни илк марта адабиётшунос А.Шокиров томонидан “Адабий мерос журнали” 1976 йил, 5-сониди эълон қилинган.

43. Ушбу мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 236 рақамли тошбосма баёзнинг (тўплам Қўқонда Шумаков литографиясида 1913 йилда нашр этилган) 108-110 –саҳифаларида учрайди. Мухаммас матни илк марта адабиётшунос О.Жўрабоев томонидан “Тафаккур” журналининг 2000 йил, 3-сонидан эълон қилинган.

МАТНИ ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ШЕЪРЛАР

Ҳазалларга

44. Муқимий асарлар тўпламининг совет давридаги энг сўнгги нашрида (Каримов Ғ. Муқимий. Асарлар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974) ғазал 7 байт. 3, 5,7,8-бўлиб келувчи байтлар тушириб қолдирилган. Ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 6352 рақамли қўлёзма баёзнинг 27⁶-саҳифасидаги матн асосида тикланди (шу баёздаги матн таянч манба сифатида танланди).

45. Муқимий асарлар тўпламининг совет давридаги энг сўнгги нашрида ғазал 9 байт. Ғазал қуйидагича таҳрир қилинган: ғазалнинг аслиятдаги 9-байтидан 1-мисраси олиниб, жорий нашрдаги 9-байт яратилган. Жорий нашрдаги 9-байтнинг 1-мисраси аслиятдаги 10-байтга тегишли. Натижада ғазалдан бир байт чиқариб ташланган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 151⁶-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

46. Муқимий асарлар тўпламининг совет давридаги энг сўнгги нашрида ғазал 7 байт. Диний мазмундаги 5, 6-бўлиб келувчи байтлар тушириб қолдирилган. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 236-рақамли тошбосма баёзнинг

112-саҳифасидаги матн асосида тикланди (шу баёздаги матн таянч манба сифатида танланди).

47. Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида “шукр қилайлик” сўз бирикмаси “омон бўлайлик” тарзида берилган. Ҳазал ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 9966 рақамли қўлёзма баёзнинг 141^б-саҳифасидаги матн асосида тикланди (шеърнинг ягона нусхаси фақат шу баёзда берилган).

48. Бу байтда Муқимий Соҳибзода Ҳазрат афандини кўзда тутган. Маълумки, шоир яшаган Қўқондаги “Ҳазрат” мадрасаси шу киши номига қурилган. Муқимий асарлари нашрининг барчасида Ҳазал 5 байт ҳолда берилган. Бешинчи байт бўлиб келувчи мисралар тушириб қолдирилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 71^б-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

49. Ҳазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 6 байт қилиб берилган. Тўртинчи бўлиб келувчи байт тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, шеърнинг баъзи мисралари таҳрир қилиниб, ўзгартирилган. Ҳазал ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 150^б-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

50. Мувашшаҳ-Ҳазал мисралари Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 146^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

51. Ушбу Ҳазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 6 байт ҳолда берилган. Олтинчи бўлиб келувчи байт тушириб қолдирилган. Шеър ЎзР

ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 146^а-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

52. Мазкур ғазал мисралари Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Жумладан, биринчи байтдаги “растадин” сўзи “куйидин”га, олтинчи байтдаги “дўкондор” сўзи “талабкор” сўзига ўзгартириб берилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 117^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

53. Ғазал мисралари Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Жумладан, биринчи байтдаги “айлай” сўзи “айтай”га, бешинчи байтдаги “баъзи” сўзи “булким” сўзига ўзгартирилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 133^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

54. Мувашшаҳ-ғазал мисралари Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 168^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

55. Мазкур ғазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 6 байт қилиб берилган. Олтинчи бўлиб келувчи байт тушириб қолдирилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 152^б-саҳифасида тўлиқ берилган. Бу ҳақда илк марта адабиётшунос О.Жўрабоев ҳам маълумот берган (“Адабиёт кўзгуси” илмий тўплами, 2000 йил, 5-сон, 15-бет).

56. Ушбу ғазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 6 байт қилиб берилган. Бешинчи байт тушириб қолдирилган. Чунки байт мисрасида келган “Фаслу-л хитоб”–Хўжа Порсонинг тасаввуф тўғрисида ёзилган китобига ишора қилинганлиги сабаб ташлаб кетилган. Мазкур шеър Умархон Амирий саройидаги Фазлий ва Махзуна мушоаралари асосида ёзилган ғазалга назира қилинган. Ғазал ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 99^б-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

57. Мувашшаҳ-ғазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 9 байт ҳолда келади. Тўққизинчи бўлиб келувчи байт тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, ғазалнинг баъзи мисралари таҳрир қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 5736 рақамли қўлёзма баёзнинг 87^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

58. Мувашшаҳ-ғазалнинг 7-байти Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 101^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

59. Ғазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 6 байт ҳолда берилган. Ғазалнинг олтинчи байти тушириб қолдирилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 148^б-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

60. Мувашшаҳ-ғазал мисралари Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 5736 рақамли

қўлёзма баёзнинг 106^б-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

61. Мувашшаҳ-ғазал мисралари Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 5736 рақамли қўлёзма баёзнинг 88^а-саҳифасидаги матн асосида тузатилди.

62. Маълумки, Кўқон адабий муҳити ижодкорлари Андижон зилзиласига бағишлаб турли жанрларда шеърлар ёзган. Бу мавзуда Муқимийнинг “Туркистон вилояти газети”нинг 1903 йил 22 апрель сонида “Тарихи зилзилаи Андижон аз Мавлоно Муқимий Хўқандий” сарлавҳали ғазал жанридаги 27 байтли шеъри чоп этилган. Афсуски, шеър матни совет давридаги Муқимий асарлар тўпламида 19 байт ҳолда нашр этилган. 8 байти тушириб қолдирилган. Адабиётшунос Р.Тожибоевнинг “Адабиёт кўзгуси” илмий тўпламининг 2004 йил 8-сонида эълон қилинган “Тарихи зилзилаи Андижон шеърининг тўлиқ нусхаси” сарлавҳали мақоласида шеър матни тўлиқ берилган. А.Турдалиев хизмати билан 2010 йилда чоп этилган Муқимий шеърларидан тузилган “Боғ аро” номли тўпламда ҳам мазкур шеър тўлиқ ҳолда киритилган.

63. Ҳажвий мазмундаги ғазал Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 10 байт ҳолда берилган. 2,3,12,13,14,15,16-бўлиб келувчи байтлар тушириб қолдирилган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 120^б –саҳифасидаги матн асосида тикланди.

64. Муқимий асарлар нашрида шеърнинг номлаши “Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб номланган. Ҳамда шеърнинг 2-, 7-, 15-байти қуйидагича берилган:

*Ашурбойдин эшитинг қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб беқарор.
Секинроқ гапир, мен Ашурбой – деди.
Қочиб ўлтуруибман, сенга интизор.*

Мазкур байтларни “Туркистон вилоятининг газети”да эса бу тарзда ўқиймиз:

*Эшитинг ўшал бойдин қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Оёғида кишан қочурурға озор.
Секинроқ гапир, мен фалонбой – деди.
Қочиб ўлтуруибман, сенга интизор.*

Кўриниб турибдики, бирон жойда Ашурбой образи йўқ. Шеър мисралари ноширлар томонидан таҳрир қилиниб ўзгартирилган. Шундан сўнг, ҳажвий шеър-га “Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб сарлавҳа қўйилган. Шеърнинг 26-байти шўро даври мафқурасига кўра қуйидагича қайта ёзилган:

*Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Топиб бой сўзи бунда зўр эътибор.*

Аслида “Туркистон вилоятининг газети”да байт бундай эди:

*Эшонлар қолиб дукчини айбиға,
Бу одам уятиға аҳли тужжор.*

65. “Қурбақалар” радифли ҳажвий асар мисралари шўролар даври мафқурасига кўра таҳрирга учраган. Ҳажвиянинг 5-, 7- байтлари шоир асарлари тўплами нашрининг барчасида қуйидаги вариантда учрайди:

*Хоҳ нохоҳ Мингтепа ўйлаб қилурсиз зикри жаҳр,
 Ҳовз давринда ҳама масту пиён қурбақалар.
 Илгари эркан Ойим қишлоқ, Муқимий, эмди ҳайф,
 Баччағар оқ дўппилик қорин йўғон қурбақалар.*

Муқимийнинг 1325-рақамли ўз қўлёзма баёзида (121^a -саҳифа) аслият матни:

Ё ўрусдек жонуворларга бу кун майраммукин,
 Ҳовз даврида ҳама масту пиён қурбақалар.
 Илгари эркан Ойим қишлоқ, Муқимий, эмди ҳайф,
 Баччалар ўрнига ҳавзида жувон қурбақалар.

Кўринадикки, мутахассислар эътирозига сабаб бўлган “*Хоҳ нохоҳ Мингтепа ўйлаб қилурсиз зикри жаҳр*”, “*Баччағар оқ дўппилик қорин йўғон қурбақалар*”- мисралари онгли равишда таҳрир қилинган. Энг ёмони, шеър тарих ҳақиқатига зид ҳолда Дукчи эшонга боғлаб талқин этилган.

66. Ҳажвий шеър Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 8 байт ҳолда берилган. 6-бўлиб келувчи банд тушириб қолдириган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 165^a-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

67. Ҳажвий шеър Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 11 байт ҳолда берилган. 10-бўлиб келувчи банд тушириб қолдириган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 150^a-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

68. Ҳажвий шеър Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 11 байт ҳолда берилган. 8, 9-бўлиб келувчи банд тушириб қолдириган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 336 рақамли тошбосма баёзнинг 216-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

69. Ҳажвий шеърнинг 3, 4-байтидаги мисралар Муқимий табдил нусхаларида таҳрир қилинган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 116^а-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

70. Ҳазал жанридаги мактуб Муқимий асарлар нашрида 21 байт ҳолда берилган. Шеърий мактубнинг 2, 3, 4-бўлиб келувчи байтлари тушириб қолдирилган. Таъкидлаш жоизки, шеър байтлари 1958 йилда нашр этилган “Фурқат ва Муқимий ҳақида”. Мақолалар тўпламида тўлиқ келтирилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 5736 рақамли қўлёзма баёзнинг 95^{а-б}-саҳифаси берилган.

71. Мактуб Муқимий асарлар нашрида 15 байт ҳолда берилган. Шеърий мактубнинг 15, 16, 17, 18, 19-бўлиб келувчи байтлари тушириб қолдирилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 12195 рақамли қўлёзма баёзнинг 28^{а-б}-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

Мухаммасларга

72. Мухаммас Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида 5 банд ҳолда берилган. Бир банд тушириб қолдирилган. Мухаммаснинг тушириб қолдирилган бир банди ҳақида О.Жўрабоев илк марта маълумот берган эди (Фитрату фазлу балоғат бўлғусидур шунчалар. //Тафаккур. 2003.№3. – Б.81). Мухаммас ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7710, 5666 рақамли қўлёзма баёзларда ва 323, 4063 рақамли тошбосма баёзларда учрайди.

73. Завқийнинг “Вексиль” сарлавҳали ғазалига Муқимий мухаммаси шоир асарлар тўпламининг

энг сўнгги нашрида 5 банд ҳолда берилган. Иккинчи бўлиб келувчи банд тушириб қолдириган. Ғ.Ғуломнинг 1942 йилги Муқимий “Танланган асарлари” нашрида шеър бандлари тўлиқ берилган. Шеър ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 59^а-саҳифасида берилган.

Хўш, бу мухаммаснинг ёзилишига сабаб нима эди? Маълумки, чор Россияси ўзбек халқи бошига қанчадан-қанча оғир кунларни солди. Шундай экан, бу кулфатлар нафақат тарихчилар, балки давр шоирлари асарларида ҳам ҳаққоний тасвирланди. Муқимийнинг мазкур мухаммаси чор мустамлакачиларининг ўз манфаати йўлида юргизган пул ислохоти ҳақида эди. Нашрдан тушириб қолдирилган мисраларда чор мустамлакаси ўрнатган қонун-қоидаларга қарата айтилган шоир изтироблари акс этган эди. Умуман, мухаммасда халқ пулининг истеъмолдан чиқиши, натижада улуснинг таланиши, нарх-навонинг ошиши, савдосодик ишларидаги тартибнинг бузилиши ҳақида сўз юритилади.

74. Ҳажвий мазмундаги мухаммас шоир асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 4 банд ҳолда берилган. 2, 3-бўлиб келувчи банд тушириб қолдириган. Аслида эса 6 банд. Ҳажвия “Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества” тўпламининг 1894 йилдаги IX томидаги матн асосида тикланди. Шоир “*Шиква қилсам жоиздир, замоналар на бўлди?*”-дея ўша давр ижтимоий муҳити, ундаги тартиб-қоидалар тўғрисида, жамиятдаги чор ҳукумати ўрнатган адолатсизликлар ҳақида бонг уради. Мусулмонларнинг кофирлар зулмидан хор бўлиши-ю, Бектурнинг фирибгарликлари шоирнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. Адабиётшунос Р.Тожибоев ҳам “Ҳажви Бектурбой” мухаммасининг

тушириб қолдирилган икки бандини келтириб, бундай ёзади: “Мазкур бандлар Муқимий асарларини нашрга тайёрловчилар томонидан шоирнинг чоп этилган тўпламларига нега киритилмагани бизга қаронғу. Тахминимизча, улардаги чор Россияси истилосига муносабат (“замоналар на бўлди?”, Ботил мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди”) фикрлар ғоявий-сиёсий жиҳатдан “эҳтиёткор” бўлган ноширларни чўчитган бўлиши мумкин”. (Бир адабий чалкашлик хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 6-сон, 45-бет).

75. Ҳажвий мазмундаги мухаммас Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 10 банд ҳолда берилган. Аслида эса манбада 11 банд ҳолда учрайди. 10-банд бўлиб келувчи 1 банд тушириб қолдирилган. Ғ.Ғуломнинг 1942 йилги Муқимий “Танланган асарлари” нашрида шеър бандлари тўлиқ берилган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 5736 рақамли қўлёзма баёзнинг 83^{а-б}-саҳифасида матн асосида тикланди.

Маснавийга

76. Ҳажвий шеърнинг 13, 14, 16, 21, 27, 28, 29-байтларидаги мисра ва сўзлар Муқимий асарлар табдил нусхаларининг барчасида таҳрир қилинган. Шеър ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7688 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 107^{а-б}-108^а-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

“Саёҳатнома”ларга

77. Саёҳатноманинг “Кўқондан Фарғонага” қисми Муқимий асарлар нашрида 11 банд ҳолда берилган. 7, 13, 14, 15-бўлиб келувчи бандлари тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, 1, 3, 4, 5, 8, 9-бандлари-

даги мисра ва сўзлар таҳрир қилинган. “Саёҳатнома” бандлари ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 6352 рақамли қўлёзма баёзнинг 180^{а-б}-саҳифасидаги матн асосида тикланди (мазур қўлёзма баёз таянч манба сифатида танланди).

78. “Саёҳатнома”нинг “Қўқондан Шохимардонга” қисми Муқимий асарлар нашрида 19 байт бўлиб, 6, 11, 14, 15, 16, 17, 20, 25, 28, 29, 30-бўлиб келувчи бандлари тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, 1, 4, 5, 7, 9, 21, 22, 24, 26-бандларидаги мисра ва сўзлар таҳрир қилинган. Жумладан, манбада 9- бўлиб келувчи банд Муқимий асарлар нашрида 8-банд сифатида қуйидагича берилган:

*Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.*

Энди мазкур банднинг аслиятдаги (6352- рақамли баёз, 181^б) бандини келтирамиз:

*Анда бўлус ҳожи деди,
Ҳам муфти ҳам қози деди,
Юрти ҳама рози деди,
Бечора беозор экан.*

Умуман, давр талаби нуқтаи назаридан банднинг барча мисралари таҳрир қилинган. Натижада муаллифнинг муфтий, ҳожи ва қозилар ҳақидаги рост гаплари ёлғонга дўнган, матн аслиятдан мутлақ йироқлашган. Аслида эса мазкур бандда Ғози образининг ўзи йўқ.

79. “Саёҳатнома”нинг “Қўқондан Шохимордонга” қисмидаги “Бешер эмасдур бешалар” деб бошланувчи банд барча Муқимий асарлар нашрида “Қўқондан Исфарага” қисмида берилган. Шу банд ҳисобига

“Қўқондан Исфарага” қисми Муқимий асарлар нашрида 21 байт бўлган. Аслида эса мазкур “Саёҳатнома”нинг тушириб қолдирилган 4-банди билан 21 банд эканлиги маълум бўлди. Мазкур “Саёҳатнома”бандлариматни ЎзРФАШарқшунослик институтида сақланаётган 1325 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 145^{а-б}-саҳифасидаги матн асосида тикланди.

80. “Саёҳатнома”нинг “Исфара саёҳатидан” қисми Муқимий асарлар нашрида 10 банд қилиб берилган. Мазкур “Саёҳатнома” қисми фақат Х.Зарифовнинг 1955 йилда нашр этилган “Муқимий ҳаёти ва ижодига оид материаллар” номли илмий рисоласида 11 банд ҳолда учрайди. Олимнинг таъкидлашича, мазкур “Саёҳатнома” матни шоир Асқарали Ҳамроалиев – Чархий томонидан 1953 йилда тожикстонлик Ғолиб Якубзода деган киши оғзидан ёзиб олинган.

ЛУҒАТ

А

Абёт – байтлар.

Абад – абадий, доимий, абадийлик доимийлик.

Абри баҳор – кўклам булути.

Абрў – қош.

Авбош – бебош, безори, саёқ, дайди.

Авранг – тахт.

Адно – энг паст.

Акмал – етикроқ, мукаммалроқ.

Алоло – шовқин-сурон, ҳайқириқ.

Асрор – сирлар.

Асас – кеча қоровули, тунги соқчи.

Афсун – сеҳр, авраш, найранг, фириб, макр.

Азрўйилуф – яхшилик юзасидан.

Азтаҳидил – астойдил.

Альаташ – ўтли, оловли.

Аъмо – кўр.

Анбар – хушбўй нарса, атир.

Андалиб – булбул.

Андух – қайғу, ғам.

Анжом – сўнг, охир, тугаш.

Анжум – юлдузлар.

Афгор – ярали, жароҳатли.

Афлоки кажрафтор – тескари айланувчи осмон.

Афсурда – сўлган, бужмайган.

Ахгар – чўғ.

Ашк – кўз.

Ашъор – шеърлар.

Ағёр – бегоналар, ётлар, рақиблар.

Аҳбоб – дўстлар, ошнолар.

Аҳли дониш – билим эгалари.

Ахмар – қизил, қизилроқ.

Б

Бад – ёмон.

Барр – қуруқлик, сахро.

Барно – ёш, гўзал, чиройли.

Балда – шаҳар, ўлка.

Барашта – қайтган, юз ўгирган.

Барф – қор.

Башар – одам, киши, инсон.

Баякбор – бир йўла, бира-тўла.

Бедод – зулм.

Бедор – уйғоқ.

Бекас – кишисиз.

Беназир – ўхшаши йўқ, тенги йўқ.

Бесару сомон – ҳеч нарсасиз, камбағал, ношуд.

Беша – ўрмон, тўқай.

Беҳамдам – ўртоқсиз, ошнасиз, улфатсиз.

Булбули шўрида – қайғули булбул, фарёд-
фигонли булбул.

Бадри мунир – ёрқин ой.

Булҳавас – кўнгли нимани ҳавас қилса, шуни
қилмоқни орзу қиладиган, саботсиз.

Бурқаъ – юз пардаси, юзга тутадиган парда.

Бум – Бойқуш.

Бўй – хид, ис.

В

Вадод – муҳаббат, дўстлик.

Вард – атрул.

Васф – таърифлаш, мақташ, васф этмак –
мақтамоқ, таърифламоқ.

Ваҳши рам – ваҳший ҳайвонлардай чўчиб
қочувчи.

Воқиф – хабардор, огоҳ.

Вожгун – тескари, остин-устун, тўнтарилган.

Г

- Гавда хар** – эшак гавдали.
Гардун – осмон.
Гарониш – шаҳар бошлиғи, шаҳар ҳокими.
Гирён – йиғлоқ.
Гису – соч, чаккага тўзғиб тўшган соч.
Гирибон – ёқа.
Гудоз – эриш, куйиш, азоб.
Гузор – ўтиш.
Гулгун – гул рангли, қизил.
Гулжабин – пешонаси гулга ўхшаш.
Гул узор – гул юзли.
Густоҳ – одобсиз, андишасиз, тортинмайдиган, хайиқмайдиган.
Гуфтор – сўз, нутқ.
Гўфтигў – сўзлашиш.
Гўё – сўзловчи, сўзга чечан.
Гўша – бурчак, пана жой.

Д

- Даври мужгон** – киприк чанбари, киприк айланаси.
Дандон – тиш.
Дар – эшик.
Дарранда – йиртқич.
Дастор – салла.
Дашти Хито – Хитой чўли, Тибет яйлови.
Даҳан – оғиз.
Даҳр – дунё.
Дег – қозон.
Дийда – кўз.
Дийдаи хуноб – қонли кўз, қон ёшли, қонга тўлган кўз.
Дилафгор – дили яраланган, қалби жароҳатли.

- Дилдор** – дилтортар, яқин киши, ёр.
Дили афсурда – кўнгли чўккан, эгилган.
Дилкушо – кўнгил очғувчи.
Дилсўз – дилни куйдирувчи, таъсири ўткир,
жонкуяр, юраги ўртанган.
Дирам – танга.
Дом – тузоқ.
Дузд – йўлтўсар, ўғри.
Душвор – қийин, оғир, мушкул.

Ж

- Жабин** – пешона.
Жалий – равшан, очиқ, йирик, кўзга кўринарли.
Жало – ватанни ташлаб кетиш, ватандан
ажралиш.
Жамжоҳ – Жамшиддай улуғ мартабалик.
Жарас – қўнғироқ, секин овозли қўнғироқ.
Жафожў – жафони хоҳловчи.
Жилвагар – жилва қилувчи.
Жовидон – доимий, абадий.
Жонбахш – жон бағишловчи.
Жониб – тараф, томон.
Жоҳ – мартаба, даража.
Жуъд – жамалак, соч ҳалқаси.
Журъа – бир қўлтум, бир ютум.
Журм – гуноҳ, жиноят.

З

- Забон** – тил.
Забун – оёқ ости, ерга урилган, паст.
Замима – ёмон ёмонлашга лойиқ.
Зард – сарик.
Зару сийм – олтин, кумуш.

- Зарф** – идиш.
Заъф – заифлик, кучсизлик.
Захм – заха, яра.
Зокир – ёд қилувчи, эсга олувчи, тилга олувчи.
Зоиқа – маза билиш сезгиси, тилнинг учи, оғиз.
Зоҳир ўлмоқ – кўринмоқ.
Зулмхў – одати зулм қилиш бўлган киши.

И

- Ибтидо** – бошланиш, киришиш.
Ибром – қисташ, қаттиқ талаб қилиш.
Ижтимо – бирга йиғилиш, тўпланиш.
Издиҳом – бир ерга тўпланган халқ, аломон.
Илик – қўл.
Илтизом – мажбурият, бирор ишни бажаришни ўз зиммасига олиш.
Инжимоқ – озор топмоқ.
Интихоб – танлаш.
Исо нафас – ўткир нафасли.
Ифшо – фош қилиш, сир очиш.
Иқдом – қадамлар.
Иҳтисоб – сўроққа тутиш, тергаш.

К

- Кабир** – катта, улуғ, қудратли, зўр, катта ёшли.
Кабк – каклик.
Кабки дари – дара каклиги.
Кажрафтор – тескари айланувчи.
Канъон – Арабистонда қадимий бир шаҳар.
Кантуралар – канторалар.
Карам – яхшилик, олийжаноблик, эҳсон, марҳамат, сахийлик.
Карру фар – мақтанчоқлик, ҳашамат.
Кас – киши, одам.

- Касрат** – кўплик, мўллик.
Комёб – бахраманд, фойдаланган, лаззат топган.
Килик – қалам.
Кишвар – ўлка, шаҳар, мамлакат.
Кишвари ҳусн – гўзаллик ўлкаси.
Кордон – ишбилармон, тажрибакор, ишбоши.
Қоҳдон – сомонхона.
Кудурат – қайғу, ғам.
Кулоҳ – телпак, дўппи, дарвешлар бош кийими.
Кўҳи ғам – қайғу тоғи.
Кўҳсор – тоғлик ер.

Л

- Лаим** – паст, хавас, нокас.
Лайлу наҳор – кеча-кундуз.
Лак – юз минг.
Ланг – чўлоқ, оқсоқ.
Лаъли Бадахшон – Бадахшондан чиқадиган лаъл.
Лаъли хушоб – тиниқ лаъл (лабга ўхшатма).
Лаоли – олий, аъло.
Лағзиши мастона – мастлик жазаваси, ҳаракатлари.
Лаҳжаи гуфтор – ўз оғзидан эшитилган сўз.
Лол – соқов.
Лоф рахши – мақтанчоқлик оти.
Лоғар – озғин.
Лояъд – беҳисоб, сон-саноксиз.

М

- Мавзун қад** – келишган гавда.
Маъво – жой, ўрин, уй.
Мавҳум – ваҳимлар.
Мадҳ – мақташ, мақтов.

- Маъдум** – йўқолиб кетган, йўқ.
Магас – чибин, пашша.
Мазраъ – экин жой.
Маъзур – узрли, афв этилган, кечирилган.
Майгун – май рангли, майдек қизил.
Макрамат – иззат, ҳурмат, олийжаноблик.
Марг – ўлим, ажал.
Мардум – одамлар, кишилар, кўз қорачуғи.
Мардуми сахро – қишлоқ халқи.
Маъсият – гуноҳ.
Матлаб – сўралган, талаб қилинган нарса.
Машварат – кенгаш.
Машом – бурун, думоғ.
Мақдам – қадам қўйилган ер, келиш.
Мағмум – қайғули, ғамли.
Маҳз – холис, соф.
Маҳлиқо – ой юзли.
Маҳфил – базм, ўлтириш.
Муолиж – илож қилувчи, даволавчи, табиб.
Муҳимми хайр – яхшилик иши (тўй, зиёфат ва бошқалар).
Мустажоб бўлиш – бир тилакнинг қабул бўлиши.
Мутриб – созанда, чолғувчи.
Муҳаққар – кам, арзимас, кичкина.
Монанд – ўхшаш.
Мор – илон.
Моҳи талъат – ой юзли.
Моҳи маҳфил оро – базмларни безағувчи ой, гўзал.
Мўйи оташдийда – ўтга тушган қил.
Мўйи сар – бош туки, соч.

Н

- Надим** – хизматчи, ҳамсухбат.
Надомат – ўкиниш.
Насим – шаббода, шабада.
Нашот – севинч.
Нигоҳ – қараш.
Ним нигоҳ – қийғоч қараш.
Нимшикан – ярим синиқ.
Ниҳол қомат – ўсмир кўчатдай қомат.
Ниҳон – яширин.
Новак – ўқ.
Ноёб – кам топиладиган, сийрак учрайдиган.
Нозук миён – хипча бел.
Ноком – орзусига етмаган, мақсадига етмаган.
Носиҳ – насиҳат қилувчи.
Нузҳат – хурсандлик, кўнгил очиш.

О

- Оби сафо** – тоза сув.
Оби ҳайвон – тириклик суви.
Обшор – шаршара, сероб.
Осиб – зиён, заҳмат, қийналиш.
Осиё – тегирмон.
Остин – енг.
Оташбор – ўтли.
Ош арус – никоҳ тўйи.
Ошуб – тўпалон.
Оқил – ақлли одам.
Оғушта – аралашган.
Охуйи Чин – Хитой кийиги.

П

- Пайкар** – гавда.
Пайкон – ўқ.
Паймон – ваъда, сўз бирлиги.
Паймона – пиёла, қадах.
Пайғом – хабар, дарак.
Пайғоми манзума – назм билан ёзилган хат.
Пари кирдор – қилиғи парига ўхшаш.
Партав – ёруғлиқ асари, нур, шуъла, порлоқлик.
Пинҳон – яширин, номаълум, бекитилган.
Пой – оёқ.
Пур анвар – нурга тўла.
Пурмул – лиммо-лим, тўла май.

Р

- Рам** – хуркиш, чўкиш, қочиш.
Рамақ – энг охирги нафас, жон чиқар чоғдаги нафас.
Рамида – хурккан, чўчиган.
Рахш – от.
Реву ранг – ҳийлаю макр.
Риё – иккиюзламалик.
Ришта – ип.
Риҳлат – кўчиш, сафар.
Ризвон – жаннат, боғ.
Руқъа – мактуб, хат.
Руҳ афзо – жон бағишловчи.
Роз – сир.
Розидил – юрак сири.
Рўзи ҳижрон – айрилиқ куни.
Русияҳ – юзи қора.

С

Сабо – тонг шамоли.

Сабукбор – енгилтак, юки енгил.

Самар – мева, ҳосил.

Самоъ – эшитиш.

Сангдил – тош кўнгил.

Сангсор – тошбўрон.

Сарафроз – боши баланд, севинган.

Сарви хиромон – гўзал, қомати келишган, севиқли.

Саргашта – саргардон, боши айланган.

Саркаш – итоатсиз, бош бермас, ўжар, йўлга кирмас.

Сафиджомо – оқ кийим, оқ тўнли.

Сахо – сахийлик, қўли очиқлик.

Саҳв – хато, янгилиш.

Сиймбар – кумуш тан, оқ бадан.

Сиришк – кўз ёши.

Сойил – гадой, тиланчи.

Сомон – бойлик, тартиб, тинчлик.

Соғар – қадах.

Субҳ – тонг.

Субҳи васл – гўзал дийдорига етишув тонги.

Сунбул – қора райҳонга ўхшаш бир хил кўкат.

Сўзан – куйган, ўртанган.

Сўй – тараф.

Сўйи само – осмон томонга қараб.

Т

Тавалло – ялиниш.

Тавф – айланиш, юзни суртиш, зиёрат.

Тажаммул – тантана, безак, гўзаллик.

Таъжил – шошма-шошарлик, ошиқиш.

Тазаллум – сўзлаш.

Талх – аччиқ.

Тамасхур – масхаралаш.

Тамиз – бир нарсага фаҳми етиш, ажрата билиш.

Таноб – узунлик ўлчови. Тахминан гектарнинг олтидан бирига тўғри келади.

Тармева – ҳўл мева.

Таргашта – ҳўлланган.

Тариқи маъдалат – адолат қодаси.

Таррор – ўғри, кисавур.

Тасхир – қўлга олиш, забт этиш, ром қилиш.

Тафохур – фахрланиш.

Тафриқа – келишмовчилик, тарқоқлик.

Тахолуф – қарама-қаршилиқ, мос келмаслик.

Тағафул пеша – билиб билмасликка соладиган киши.

Таҳипо – оёқ ости бўлиш.

Тийр – ўқ.

Тийри мижгон – киприк ўқи.

Тиғи бениём – қинсиз қилич.

Тиғи дудам – икки ёқлама ўткир тиғ.

Тоқат гудоз – тоқатдан ташқари, чидаб бўлмайдиган.

Тужжор – савдогарлар.

Тундхў – қўрс қилиқли.

У

Унвон – сарлавҳа, китоб ва мактубнинг бош қисми.

Унс – улфат.

Урушжў – урушқоқ.

Ушшоқ – ошиқлар.

Уқбо – охират, нариги дунё.

Узлат – чекиниш, кишилардан четланиш.

Уруж – юксалиш, юқори кўтарилиш, кўкка кўтарилиш.

Ф

Фавт – йўқолиш, йўқотиш, ўтиб кетиш.

Фарш – гилам.

Фавқ – уст, юқори.

Файёз – жуда файзли, лутф ва карам қилувчи.

Фалакфарсо – фалакка етадиган, фалакни орқада қолдирадиган.

Фикрат – ўйлаш, фикр қилиш, фикрлаш, тушунча.

Фикри салим – соғлом фикр.

Феъли бад – ёмон қилиқ.

Филжумла – бир навъ.

Филмасал – мисолда келтирилганлари каби.

Фирдавс – жаннат боғи.

Фором – ёқимли.

Фузун – ҳаддан зиёда, ортиқ.

Фусунсоз – ҳийлагар.

Х

Хаданг – ўқ.

Хаданги новак – киприк ўқлари.

Хасм – душман, ёв.

Хатм – тугалиш, тугатиш.

- Хешу табор** – қариндош-уруғ.
Хижил – хижолат, уялиш.
Хилъат – тўн, кийим-бош.
Хирад – ақл.
Хиром – юриш, чиройли юриш.
Хислати хўш – яхши хислат, яхши қилиқ.
Хоб – уйқу.
Худдом – ходимлар, хизматчилар.
Хўбрў – гўзал, чиройли юзли.
Хуршид – қуёш.

Ч

- Чарх** – осмон.
Чашм – кўз.
Чораи беҳбуд – соғайиш, яхшилик чораси.
Чоки гирибон – ёқа йиртиғи.
Чўбин – ёғочдан ясалган.
Чўғз – бойқуш, бойўғли.

Ш

- Шаб** – кеча.
Шабоб – ёшлик, йигитлик.
Шаҳбоз – лочин.
Шамъи шабистон – базм кечаларининг шамъи.
Шамшири дудам – икки томонлама ханжар.
Шарар – учқун, аланга, ёлқин.
Шароби арғувон – қизил май.
Шарҳи рес – сирин сўзлаш.
Шафиъ – шафоат этувчи, воситачи.
Шаҳд – бол.
Шикор – ов.
Шоми фироқ – айрилиқ оқшоми.
Шиква – шикоят, нолиш.
Шухра – шухрат, машхурлик.

Шумор, шумора – санок, ҳисоб.

Шўрида ҳол – аҳволи паришон, мушкул.

Шўриши маҳшар – қиёмат ғовғаси.

Шўру шар – тўполон, жанжал, қўзғолон.

Э

Эрам – афсонавий бир боғ.

Эсор – сочиш, бағишлаш.

Эсқормоқ – хаёл қилмоқ, эсламоқ.

Эран – эрлар, мардлар.

Эргана – чодирнинг эшиги.

Я

Явмул-жазо – жазо куни (қиёмат).

Якранг – бир тусли, ўзгармайдиган, тўғри вафодор.

Яксон – бир хил, бир текис.

Яғмо – толон-торож, бузғунлик.

Ябоб – хароб.

Яза – олдинги, олдинда борувчи.

Язак – кеча қоровули.

Қ

Қабо – узун камзул, узун уст кийим.

Қабоқ – қовоқ, қош билан киприк оралиғи.

Қамар – ой.

Қаноат пеша – қаноатли.

Қосир – ожиз, бирор ишни суствлик билан қилувчи.

Қосид – хабарчи, алоқачи.

Қисмат – насиба, улуш.

Қудум – қадамлар.

Қузот – қозилар.

Ғ

- Ғазабнокона** – ғазабланган ҳолда.
Ғамгусор – ғамхўр, меҳрибон, қайғуни кетказувчи.
Ғаддор – алдамчи, хиёнатчи, бераҳм, золим.
Ғаним – душман, қарши томон.
Ғаффор – гуноҳларни кечирувчи.
Ғино – бойлик.
Ғулу – ғавғо, шов-шув.

Ҳ

- Ҳаводис** – ҳодисалар, воқеалар
Ҳадар – бекорга, беҳуда сарф бўлиш.
Ҳадаф – нишона, мўлжал.
Ҳадди имкон – мумкин қадар.
Ҳаёти жовидон – абадий ҳаёт.
Ҳаён – фойда.
Ҳажр – айрилиқ.
Ҳарсў – ҳар тарафга.
Ҳидоят – тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўл топиш.
Ҳилол – янги кўринган ой.
Ҳижрон, ҳажр – айрилиқ, жудолиқ.
Ҳодий – тўғри йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи, етакчи.

МУҲДАРИЖА

<i>Н.Жабборов: Муқимийнинг ёнмаган қўлёзмалари</i>	3
ЯНГИ ТОПИЛГАН ШЕЪРЛАР.....	8
Ғазаллар	8
Мухаммаслар.....	43
МАТНИ ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ШЕЪРЛАР	63
Ғазаллар	63
Мухаммаслар.....	100
Маснавий.....	108
“Саёҳатнома”лар.....	112
Изоҳлар	125
Луғат	144

Адабий-бадиий нашр

Қўлдош ПАРДАЕВ

БИЗ БИЛМАГАН МУҚИМИЙ

(Янги аниқланган ва матни қайта тикланган
асарлар)

Муҳаррир:

Дилноза Рустамова

Техник муҳаррир:

Файзулла Азизов

Дизайнер:

Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АИ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2019 йил 02 декабрда берилди.

Босишга 2019 йил 16 декабрда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 «PT Sans» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

5 шарт. б.т. 8,15 ҳисоб нашр. таб.

Адади 300 нусха. 167-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru